To‘la ishonch bilan aytish mumkinki, O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi xalqimiz siyosiy-huquqiy tafakkurining yuksak namunasidir. U hech kimga qaram bo‘lmasdan, erkin va ozod, tinch va osoyishta, farovon yashashning qonuniy kafolati bo‘lib kelmoqda.

Shavkat MIRZIYOYEV



Postda
На посту

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

2022-yil
8-dekabr
payshanba

№ **49** (4587)

O‘zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz



MUSTAHKAM POYDEVOR

Poydevori mustahkam bino uzoq yashaydi. Kuchli bo‘ronlar ham, sel-toshqinlar ham unga sira ta’sir ko‘rsatolmaydi. Bunday poydevor o‘z ustida qo‘sha-qo‘sha imoratlarni ham bemalol va mag‘rur ko‘tarib turishi mumkin. Bunday bino sohibiga ko‘p yillar kafolatli boshpana bo‘ladi. Negaki, uning asosi pishiq, poydevori mustahkam.

2





Tadbir

MUSTAHKAM POYDEVOR



(Davomi. Boshlanishi 1-betda.)

Dunyoda qancha mamlakat bo‘lsa, deyarli hammasining o‘z davlat ramzlari bor: bayrog‘i, gerbi, madhiyasi, konstitutsiyasi... Negadir konstitutsiyani davlatning poydevoriga qiyoslagim keladi. Zero, konstitutsiya qanchalik mukammal va hayotiy bo‘lsa, o‘sha davlatning kelajagi ham porloq bo‘ladi. Mukammal konstitutsiya asosida ishlab chiqilgan qonunlar, me’yoriy hujjatlar esa jamiyatda tenglik va adolat prinsiplarini ta’minlaydi. Bir so‘z bilan aytganda, asosiy qonun davlatning porloq kelajagini, yorug‘ ertasini belgilab beradi.

Ayni kunlarda yurtimiz hududlarida mamlakatimiz Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 30 yilligi keng nishonlanmoqda. IIV Markaziy apparatida ham bayram munosabati bilan tantanali tadbir bo‘lib o‘tdi. Unda vazirlikning bosh boshqarma, boshqarma va mustaqil bo‘limlari rahbarlari, shaxsiy tarkibi, faxriylar ishtirok etdi. Tantanali yig‘ilishda Ichki ishlar vaziri, general-leytenant Po‘lat Bobojonov barchani ayyom bilan qutlab, Konstitutsiyamizning milliy davlatchilikda, jamiyat taraqqiyotida tutgan o‘rniga to‘xtalib o‘tdi:

– Mamlakatimiz Konstitutsiyasi xalqimizning ko‘p yillik orzu-intilishlarini, mustaqil davlatchiligimizning huquqiy asoslarini o‘zida mujassam etgan oliy hujjat sifatida barchamiz uchun qadrlidir.

Asosiy qonunimiz mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini barpo etish hamda yurtimizning dunyoda munosib o‘ringa ega bo‘lishida mustahkam poydevor bo‘lib xizmat qilmoqda.

Prezidentimiz ta’kidlaganidek, «Mashaqqatli va sharafli yo‘lda erishgan barcha yutuqlarimizni, eng avvalo, Konstitutsiyamiz bilan bog‘lashimiz, albatta, bejiz emas. Nega deganda, Asosiy qonunimiz xalqimiz uzoq yillar orzu qilgan milliy mustaqilligimiz va rivojlanish yo‘limiz, inson huquq va erkinliklari kafolatlarini belgilab berdi».





Shuning uchun ham davlatimiz rahbari boshchiligida mamlakatimizda olib borilayotgan tub o‘zgarishlar, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish borasida bosqichma-bosqich o‘tkazilayotgan islohotlar aynan Bosh qonunimizning asosiy prinsip va qoidalari negizida amalga oshirilmoqda.

Shundan keyin Prezidentimiz farmoniga ko‘ra ta’sis etilgan «O‘zbekiston Konstitutsiyasining 30 yilligi» esdalik nishoni bilan taqdirlangan bir guruh ichki ishlar organlari xodimlari va faxriylarga mukofotlar tantanali vaziyatda topshirildi. Ta’kidlash lozimki, esdalik nishoni bilan turli sohaviy xizmatlarda fidoyilik bilan xizmat qilib kelayotgan 1250 nafar ichki ishlar organlari xodimi taqdirlandi.

– Bu e’tibordan ko‘nglimiz tog‘dek ko‘tarildi, – dedi IIV Faxriylar kengashi raisi, iste’fodagi general-mayor Erkin Norgitov. – Mukofot nafaqat menga, balki pensiyaga chiqqan bo‘lsa-da, bugungi kunda yosh xodimlarga to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatib, maslahat berib, boy tajribasini o‘rgatib kelayotgan barcha faxriylarga berilgan, deb bilaman. Bundan keyin ham kuch-quvvatimiz yetgunicha yoshlarni Vatanga va xizmat burchiga sadoqat ruhida tarbiyalash ishiga munosib hissa qo‘shamiz.

Tadbir so‘ngida vazir mukofotlanganlarni hamda yig‘ilganlarni yana bir bor Konstitutsiyamiz qabul qilingan kun bilan muborakbod etib, ezgu tilaklarini bildirdi.

Foziljon MAMASHARIPOV,
«Postda» muxbiri.
Abu KENJAYEV olgan suratlar.

Конституция менинг тақдиримда

ЭТ БИЛАН ТИРНОҚНИ АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ

Болалигимдан бошқа миллат вакиллари сингари ўзбеклар билан ака-укадек бирга катта бўлдим. Тилимиз, урф-одатларимиз муштараклиги бизни янада жипслаштирди.

Ўзим 1948 йилда Қозоғистон Республикасининг Олмаота вилояти Уйғур туманида туғилганман. 1974 йил Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомладим. Шундан сўнг ички ишлар органларининг тергов хизматида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, 2000 йили Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ Тергов бўлими бошлиғи лавозимидан, подполковник унвони билан пенсияга чиқдим. Бугунги кунда фарзандларим ва невараларим ардоғида кексалик гаштини суряпман.

Ўтган ҳаётимга назар ташлар эканман, эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, мен каби уйғурлар билан ўзбекларни ҳам ажратиб бўлмаслигига гувоҳ бўлдим. Бинобарин, ҳозирги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат



вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда. Улар турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшмоқдалар. Бош қомусимиз – Конституциямизда эса мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Афсуски, дунёдаги давлатларнинг ҳаммасида ҳам тинчлик ҳукм суряпти, деб айта олмаймиз. Шу маънода Ўзбекистонга бугун дунё аҳли ҳавас қилади. Давлатимиз раҳбарининг минтақада тинчликни сақлаш, яқин қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларини кўриб шу юрт фуқароси сифатида тўлқинланиб кетаман. Илоҳим, аҳиллигимиз, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Акбархўжа МУШРАПИЛОВ,
истеъфодаги
подполковник.

Конституция берган имконият

63-модда.
Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.



БАРЧА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ – БИР ОИЛА

Бош қомусимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» деб белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқда.



Ана шундай оилалардан бири Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бошқармасида фаолият юритаётган қозоқ миллатига мансуб катта муҳандис, катта сержант Алишер Турсунов ва турмуш ўртоғи, кичик мутахассис, сержант Манзура Турлибековалар оиласидир.

Мамлакатимизда оила азал-азалдан муқаддас қўрғон саналган. Мазкур осойишталик посбонларининг орзулари катта. Улар бугунги кунда Конституциямиз берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ИИВ Академиясида сиртдан таълим олмоқда. Шу билан бир қаторда, келажагига катта умид боғлаган фарзандлари – пойтахтдаги 94-умумий ўрта таълим мактабининг 2-синфида таҳсил олаётган Санжар ва мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси Даянани вояга етказмоқда.

Дарҳақиқат, оила масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор бериб келинади. Шу боис оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ҳам Бош қомусимизда мустаҳкамланган. Жумладан, 63-моддада оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши белгиланган.

Қувонарлиси, ушбу оилага ИИВ томонидан 2021 йилнинг апрель ойида имтиёзли кредит асосида уй топширилди. Бу ҳам бўлса ички ишлар органлари ходимларига давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.

Кўрик-танлов

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар ИИББ таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида хизмат қилаётган ёш ходимлар ўртасида «Конституция билимдони» кўрик-танлови ўтказилди.

КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНЛАРИ

Беллашув уч босқичда бўлиб ўтди. Иштирокчилар Бош қомусимизда белгиланган асосий принцип ва нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, конституциянинг давлат бошқаруви, ҳуқуқий-демократик давлат қурилишидаги, шунингдек, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги аҳамиятини саҳна кўринишлари, шеърият, мусиқий чиқишлар орқали ёритиб бериш, Асосий қонунимизнинг боблари, унда белгиланган нормалардан бирини шарҳлаб бериш ҳамда тезкор савол-жавоб шартлари бўйича баҳслашди.



Якуний натижага кўра, барча тенгдошларидан зукколиги билан ажралиб турган Олмазор тумани ИИОФМБ 2-сонли ҲПБ профилактика катта инспектори, лейтенант Анвар Ҳалимов биринчи ўрин соҳиби бўлди. Шайхонтоҳур тумани ИИОФМБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчиси, лейтенант Достон Убайдуллаев иккинчи ва Сергели тумани ИИОФМБ Вояга етмаганлар масаласи бўйича катта инспектори, лейтенант Фарангиз Эргашева учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тадбир сўнгида ғолиблар Бош бошқарма бошлиғи дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

Халқаро ҳамкорлик

ЎҚУВ КУРСИ МАШҒУЛОТЛАРИ

ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги ҳарбий тоғ-дала полигонида Туркия Жандармерияси махсус жамоат хавфсизлиги бош қўмондонлиги билан ҳамкорликда ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар батальон ва отрядлари ходимлари иштирокида уч ҳафталик ўқув курси машғулотлари ўтказилмоқда.

Машғулотларнинг биринчи ҳафтасида назарий машғулотлар ўтказилди. Жумладан, фавқулодда ҳолатларда кўчалар, вокзал, аэропорт, кўп қаватли уйлар ва автотранспорт воситаларида қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича Туркия махсус кучлари томонидан қўлланиладиган услублар ҳақида маълумот берилди. Шартли террорчилар жойлашган кўп қаватли уйларни ишғол этиш ва хавфни бартараф этиш, гаровдагиларни қутқариш, яшириниган жиноятчиларни қидириб топиш ва зарарсизлантириш, қурол ва воситаларни самарали қўллаш, махсус амалиётларни бошқариш ҳамда кучишлатар тизимлар ҳамкорлигини таъминлаш каби масалалар эътиборда бўлди.



Ўқув курсининг иккинчи ҳафтасида назарий билимлар амалиётда қўлланилди. Жумладан, тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар батальон ва отрядлари ходимлари ҳарбий тоғ-дала полигонидаги тўсиқлар йўлагидан ўтиш ва иншоотларни ишғол этишга оид салоҳиятини оширдилар.

– Ўқув курси ўзаро тажриба алмашишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Туркия Жандармерияси махсус жамоат хавфсизлиги бош қўмондонлигининг махсус операциялар батальони командири, подполковник Тунжой Ўзбек. – Таъкидлаш керак, мамлакатингиз махсус хизматларининг жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарлиги жуда юқори. Махсус амалиётлар ўтказиш усул ва услубларимиз ҳам қарийб бир хил, яъни жуда самарали. Бу жиҳат бизни мамнун қилди.

Жорий йил 21 ноябрда бошланган ўқув курсини 9 декабрда якунлаш кўзда тутилган. 10–15 декабрь кунлари полигонда ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар батальон ва отрядлари ходимларига албон берет кийиш ҳуқуқини берувчи синовларнинг республика босқичи бўлиб ўтади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.

Статья 14 Конституции Республики Узбекистан

«Государство строит свою деятельность на принципах социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества».



КОНСТИТУЦИЯ В НАШЕЙ ЖИЗНИ

Камо АЛЛАХВЕРДЯН, житель махаллинского схода граждан «Навбахор» Чиланзарского района г. Ташкента:



– Межнациональное согласие, дружба и понимание всегда были основополагающими факторами развития и процветания страны. Хочу отметить, что в Узбекистане в мире и добрососедстве проживают многие национальности, что в условиях современности имеет огромное значение.

Согласно Конституции Республики Узбекистан, государство обеспечивает уважительное отношение к языкам, вероисповеданию, обычаям и традициям наций и народностей, проживающих на ее территории. При этом создаются все условия для их развития. В этом я вижу исключительную значимость и важность Основного Закона, юбилейную дату которого мы будем всенародно отмечать 8 декабря.

От всей души и чистого сердца поздравляю соотечественников с праздником, желаю крепкого здоровья и процветания! Пусть на благодатной земле Узбекистана всегда царят мир и спокойствие.

Интересы человека – превыше всего

ДЕЙСТВЕННАЯ ФОРМА РАБОТЫ

Выездные приемы граждан – одна из форм взаимодействия с населением, позволяющая оперативно решать возникающие проблемы. В этом мы еще раз убедились на примере встречи начальника УВД Сырдарьинской области с жителями махалли Мустакиллик Акалтынского района.







Всего в ходе выездного приема поступило 25 обращений, более десяти из них были положительно разрешены.

– Мимо районной школы проходит трасса. Водители не всегда соблюдают правила дорожного движения, – говорит житель махалли, Дильшод Тураев, – поэтому я предложил установить там новые дорожные знаки.

Предложение Д. Тураева было принято, направлено на исполнение. Районная администрация, сотрудники ОБДД РОВД среагировали очень быстро: в кратчайшие сроки были установлены соответствующие дорожные знаки.

Зебунисо Рашидова проживает в этом районе, нуждается в социальной помощи, внесена в списки «женской тетради». Она не имеет возможности отремонтировать свой дом. Вопрос об оказании помощи женщине также решился оперативно. Спонсировать работы взялись предприниматели, участвовавшие в мероприятии. Ремонтные работы пообещали завершить за неделю.

Ахмаджон Абдуллаев пожаловался на то, что в махалле часто случаются перебои в подаче электроэнергии, и предложил установить два трансформатора. Соответствующее задание было дано районному предприятию по электроснабжению. Ответственные лица отметили, что трансформаторы имеются на складе и проблема будет решена в течение нескольких дней.

Сирожиддин Исмоилов и Акромжон Мамажонов подняли вопросы уличного освещения и ремонта внутренних дорог. Предложение было обсуждено в ходе приема, решено выделить дополнительные средства на проведение работ.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ, корреспондент «Postda».

Сырдарьинская область.

Молодежь – наше будущее

УМЕНИЕ ВИДЕТЬ ГЛАВНОЕ



Профессия психолога – одна из перспективных, популярность ее растет с каждым днем. Особенно незаменимы эти специалисты в работе с людьми оступившимися, запутавшимися в жизни. Молодой инспектор-психолог лейтенант Темур Рахимов оказывает помощь лицам, состоящим на учете в службе пробации.

Темур начал службу в органах внутренних дел в минувшем году, до этого был школьным психологом в родном Акдарьинском районе. Он ежедневно проводит мотивационные беседы, психологические тесты, индивидуальную работу с осужденными, организует тренинги, направленные на выработку позитивного настроя у подучетных, что помогает им настроиться на общественно полезный труд, учебу и межличностные отношения.

– За год работы в подразделении составил психологические портреты более 7600 лиц, состоящих на учете в службе пробации, – рассказывает герой очерка. – Выяснилось, что порядка 700 из них с большой долей вероятности могут совершить повторное преступление, 6500 – выбрали путь исправления.

По мнению Т. Рахимова, основная причина совершения повторного преступления кроется в финансовых проблемах, с которыми сталкиваются отбывающие срок лица, поэтому в работе он делает акцент на их социальной защите.

В настоящее время на учете в службе пробации состоят около 8 тысяч человек, около 900 – получили соцпакеты в виде продуктов питания, 40 – занесены в списки «женской» и «молодежной» тетрадей. Им оказывается помощь в оформлении необходимых документов, получении субсидии. Так, с начала года более ста человек получили ID-карты, двое – субсидии для приобретения жилья.

– В своей работе инспектор-психолог службы пробации делает акцент на выявление рисков повторного преступления и изучение личности с составлением социально-психологического портрета, – говорит начальник отделения пробации при УВД Самаркандской области подполковник Зокир Абдурахмонов. – Для трудоустройства осужденных организовываются ярмарки вакансий, благодаря которым 552 подопечных нашли работу, более 50 – обучились новым специальностям.

Для выполнения возложенных задач отделение пробации тесно сотрудничает с отраслевыми структурами органов внутренних дел и благотворительными фондами «Махалла», «Соглом авлод учун». Принимаются меры по предотвращению совершения подучетными лицами новых преступлений.

Замира БАЛТАЕВА, корреспондент «На посту». Фото автора.

Самаркандская область.

Юксак мукофот соҳиблари

САБОТ ВА МАТОНАТГА ЙЎҒРИЛГАН

Ички ишлар органлари ходимлари куни арафасида Чиноз тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник Маҳфуза Сирожова Президентимиз фармонига биноан, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Бу юксак мукофот шунчаки берилмайди. Унинг замирида юрт тинчлиги йўлида сабот ва матонатга йўғрилган машаққатли хизматга тўла йиллар мужассам…





Чиноз туманида 135 минг нафардан зиёд турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Аҳолининг 72 минг нафардан зиёдини аёллар ташкил этади. Хотин-қизлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш масаласи доимий эътиборда.

– Туманимизда бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аёллар жиноятчилиги камайишига эришилди, – дейди подполковник Маҳфуза Сирожова. – Аммо бу хотиржамликка берилишимизга асос бўлмайди. Шу ўринда оилаларни мустаҳкамлаш, хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб борилаётгани ўз самарасини бераётганини айтиш лозим.

Дарҳақиқат, ҳикоямиз қаҳрамони давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари билан ҳамкорликда тумандаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида тизимли ишларни олиб бормоқда. Маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу тадбирларда ёшларнинг ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.

– Оила – муқаддас маскан, – давом этади суҳбатдошимиз. – Бу муқаддас қўрғон бузилишининг олдини олишда лоқайдлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Ўтган даврда 118 та ажрим ёқасидаги оиланинг 96 таси яраштирилди. Шу билан бирга, 575 нафар хотин-қизнинг яшаш шароити ўрганилди, 500 нафардан зиёд аёл билан профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Илгари судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан келган, пробация ҳисобида турган, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этган хотин-қизлар иштирокида жойларда бўлиб ўтган давра суҳбатлари, очиқ мулоқотларда асосий эътибор уларни қийнаб келаётган муаммолар ечимига қаратилди.

Ҳимоя ордерининг жорий этилиши жамиятимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари топталишининг олдини олиш, уларни зўравонликдан ҳимоя қилиш йўлида муҳим олға силжиш бўлди. Жорий йилнинг дастлабки ўн ойида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган 570 нафар аёлга ҳимоя ордерлари берилди.

Маҳфуза Сирожованинг умр йўлдоши Ҳасан Ўсаров шифокор. Бу бахтли оиланинг 3 нафар фарзанди бор. Уйида бахтини топганлар ҳамма ерда бахтиёр, дейишади. Бу борада ҳам қаҳрамонимизга ҳавас қилса арзийди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Фахрийлар – фахримиз

ЙЎЛЧИБОЙНИНГ УМР ЙЎЛЛАРИ

У туғилганда, ота-онаси йўли оқ бўлсин, дея яхши ният билан Йўлчибой исмини беришди. Лекин ўшанда ҳеч ким вақти келиб у одамларнинг йўли равон бўлиши, борар манзилига эсон-омон етиб олиши учун хизмат қилишини билмас эди. Қарангки, Йўлчибой улғайгач, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори вазифасини эгаллади.



Истеъфодаги капитан Йўлчибой Шодиев 1962 йил 26 март куни Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида таваллуд топган. Болалиги Боёвут далаларида шўх-шодон кечди.

Йигитлик бурчини ўтаётганда илк бора эгнига ҳарбий либос кийганида умри давомида мундир кийиб юришни ният қилди. Шу боис ҳарбий хизматдан келган заҳоти ички ишлар органларига хизматга жойлашишга уриниб кўрди. Лекин бунинг учун маълумот талаб қилинарди. Оқолтиндаги гидромелиорация техникумини автомобиль йўлларига хизмат кўрсатиш мутахассислиги, бўйича тамомлади.

1985 йилда Боёвут тумани ИИБга Ахлоқ тузатиш инспекциясига хизматга қабул қилинди. Ҳеч қанча вақт ўтмай тиришқоқлиги, зукколиги билан барчанинг қалбига йўл топа олди. 1994 йилдан эса хизмат фаолияти буткул ўзгарди. Унга йўл-патруль хизмати катта инспектори вазифаси топширилди. Йўл юрган ҳикмат топади, деган гапнинг мазмунини хизмат давомида яхши англаб олди. Йўлда ҳамма юради. Мард ҳам, номард ҳам, ўғри ҳам, тўғри ҳам. Кимларни кўрмади. Ўзгалар ҳақига хиёнат қиладиган, нафси йўлида қотилликка ҳам қўл уришга тайёр кимсаларнинг йўлини қийишга уринган ҳам бор гап.

Сардоба туманида хизмат олиб бораётган пайтда йўл четидаги каналнинг ичидан қопга солинган мурда топилди. Капитан зудлик билан эксперт ва тезкор ходимларни чақирди. Йўлчибойга мурданинг шахсини аниқлашда кўмаклашиш топширилди. Учтомдаги машиналар турадиган бекатга бориб, киракашлар билан суҳбатлашди. Суҳбат жараёнида киракашлик билан шуғулланиб юрган Баҳром Солиев уч кундан бери кўринмаётгани маълум бўлди. Аниқланишича, оилада можаро келиб чиққан. Натижада Баҳром Солиев онаси, синглиси ва укаси томонидан чавақланган.

Капитан Йўлчибой Шодиев 1997–2001 йилларда Боёвут тумани ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишлади. 2001 йилдан 2012 йилга қадар вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси алоҳида отряди сафарбарлик гуруҳи командири лавозимида фаолият олиб бориб, пенсияга чиқди.

Турмуш ўртоғи билан тўрт ўғилни вояга етказди. Ўғли сафдор Дилшод Шодиев ота касбини танлади. Ҳозирда Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ инспектори вазифасида хизмат қилмоқда.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Postda» мухбири.
Сирдарё вилояти.

Статья 48 Конституции Республики Узбекистан

Граждане обязаны соблюдать Конституцию и законы, уважать права, свободы, честь и достоинство других людей.



КОНСТИТУЦИЯ В НАШЕЙ ЖИЗНИ



Рустем АБЛЯЗИС, ветеран органов внутренних дел, полковник в отставке:

– Дружба и сплоченность живущих в Узбекистане представителей разных народов – бесценное богатство, прочная основа мира и стабильности, продвижения страны по пути реформ и обновления.

В республике единой семьей живут представители более 130 наций и народностей. Большую роль в дальнейшей гармонизации межнациональных отношений играют культурные центры, в числе которых Ташкентский городской национально-культурный центр крымских татар «Авдет».

Многогранная деятельность центра включает проведение мероприятий, посвященных творчеству крымскотатарских просветителей. Здесь проходят вечера поэзии, концерты, на которых звучат мелодии в исполнении ансамбля «Гирей-хан». Танцы группы «Крымлылар» привносят неповторимый колорит в традиционные праздники Наврез, Хыдырлез... «Авдет» – центр притяжения и духовности.

Мы, представители старшего поколения, должны воспитывать подрастающее поколение на основе высоких нравственных ценностей, идей добра и гуманизма, закрепленных в Основном Законе республики. Пусть в нашей стране царит мир. Желаю счастья многонациональному народу Узбекистана!

Фото недели

Начало нынешней зимы выдалось исключительно морозным и снежным, что, конечно же, отразилось на повседневной жизни. Погодные условия заставляют жителей городов и сел кутаться в теплые одежды, соблюдать меры предосторожности, передвигаясь по скользким, обледеневшим улицам.

Отрадно, что в сложных ситуациях сотрудники органов внутренних дел протягивают руку помощи людям, проявляют заботу и милосердие. Как на этой фотографии, где блюстители правопорядка г. Нурафшон Ташкентской области помогают пешеходам во время обильного снегопада перейти дорогу.

Простой, и в то же время достойный уважения поступок.

Ветераны – наша гордость



МОЛОД ДУШОЙ

Ветеран органов внутренних дел подполковник в отставке Валерий Ким в этом году отметил 70-летие, но на свои годы не выглядит. Коллеги и близкие объясняют это тем, что он молод душой, по натуре жизнерадостен, имеет хорошее чувство юмора и непосредственен в общении.

В этом можно убедиться, пообщавшись с Валерием Леонидовичем.

– 2 декабря 1977 года я вступил в ряды органов внутренних дел, – вспоминает герой очерка. – Служил бок о бок с многими опытными наставниками, которые делились со мной секретами работы. На протяжении многих лет усердно трудился, способствовал установлению мира и стабильности в стране, завоевал уважение людей, поэтому горжусь выбранной профессией.

Валерий Ким начал службу с должности старшего инспектора по делам несовершеннолетних в ОВД города Маргилана. Позже назначался заместителем командира роты в батальоне ППС УВД Ферганской области, начальником поста охраны ОВД города Ферганы, начальником курса, а затем и заместителем начальника Центра переподготовки и повышения квалификации сержантского состава в городе Фергане. На заслуженный отдых Валерий Леонидович ушел с должности заместителя начальника Центра по работе с личным составом в 1998 году.

В процессе работы в Центре герой очерка научил многих молодых стражей порядка секретам профессии, строгой дисциплине, внес достойный вклад в дело подготовки квалифицированных кадров для органов внутренних дел и получил высокий статус наставника. Многие нынешние сотрудники, достойно исполняющие свой служебный долг, по праву гордятся своим учителем.

В настоящее время Валерий Ким отдыхает душой, общаясь с родными, отдает тепло души своим детям и внукам.

Абдувосит СИДИКОВ,
корреспондент «Postda».
Ферганская область.

Это интересно!

Основной Закон США – один из самых коротких: всего 4,4 тысячи слов. Американцы приняли Конституцию в 1788 после войны за независимость. В 1791 году в документ внесли десять поправок, которые были названы Биллем о правах. Позже Конституция Соединенных Штатов претерпела изменения: к примеру, в стране отменили рабство, ввели сухой закон, а потом и его отменили. Любопытный момент: в 1789 году была предложена поправка об ограничении права конгрессменов повышать себе зарплату, но утвердили ее лишь в 1992, спустя 203 года!



Профилактика инспекторларининг бир куни

ҲАМИША ЭЛ ОРАСИДА

Майор Исомиддин Пардаев уйга кириб келганида соат тунги ўндан ошганди. Болаларини уйғотиб юбормаслик учун шовқинсиз юришга ҳаракат қилди. Рафиқаси ухламаган экан, ҳол сўраганча овқат иситишга тутинди.



У кийимларини алмаштириб, дастурхон қаршисида чўккалади. Дастурхонда турган олмани пичоқ билан майда арчиркан, бугунги хизмат кунидаги воқеалар кўз олдида бирма-бир намоён бўлди...

Белгиланган тартибга мувофиқ эрталаб маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли билан биргаликда вазифаларни режалаштириб олишди. Кейин 3400 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди ҳамда унинг таркибига кирувчи «Олтинкўл» қўрғонини «Нексия»сида айланди. Қишлоқ фаоллари ва оқсоқоллар билан суҳбатлашди. Одамларни ис газидан заҳарланишининг олдини олиш, дала майдонларида чорва моллари ва сув насосларини қаровсиз қолдирмаслик юзасидан огоҳлантирди.

Аслида, у хизмат юритаётган маъмурий ҳудуд – Зарбдор туманидаги «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғини осойишта манзиллар сирасига киради. Жорий йилда маҳаллада бирорта ҳам жиноят юз бермади. Бунга осонликча эришгани йўқ. Яхши эслайди: профилактика инспектори лавозимига тайинланган 2017 йилда ҳудудда 10 та жиноят қайд этилган эди. Тинимсиз саъй-ҳаракатлар самарасини бермасдан қолмади. Шундай бўлса-да, ишни сусайтирмаяпти. Ахир, маҳаллада профилактик ҳисобда турадиган 17 нафар, муқаддам судланган 18 нафар, оилавий келишмовчилиги бўлган 6 нафар, маъмурий назорат остига олинган 1 нафар, озодликни чеклаш жазосини ўтаётган 1 нафар ҳамда руҳий касалликка чалинган 3 нафар шахснинг борлиги вазифаларига жиддий ёндашишни тақозо этади. Бугун ҳам фуқаролар йиғини раиси ҳамроҳлигида айримларининг хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Жараён кимнидир ишга жойлаштириш, кимгадир ижтимоий кўмак кўрсатиш ёки қайсидир салбий омилни бартараф этишга оид чораларни белгилаш билан ниҳояланди.

Туш пайтида профилактика инспектори хизмат уйига келиб, мактабдан қайтган фарзандларининг ўқиши билан қизиқади. Уларнинг дафтарларига кўз югуртирар экан, яна бир бор дилбандларини ўқишга руҳлантирди.

Исомиддин Пардаев беш йилдан ошиқ бир маҳаллада хизмат қилаётгани боис ҳаммани танийди, яхши-ёмон кунларда эл билан бирга бўлишга интилади.

Кузнинг куни қисқа, дарров қоронғи тушиб қолди. Профилактика инспектори қонун ҳимоячилари сергак эканлигини сездирмоқ мақсадида маҳалла ҳудудини айланиб чиқди, дўкон ва овқатланиш шохобчалари қаршисида турганлар билан суҳбатлашди. Шу пайт телефони жиринглади: «Олтинкўл» қўрғонида яшовчи маст эркак уйидагилар билан жанжаллашаётган экан. Тезгина етиб бориб, можарога чек қўйди.

Шу воқеани айтмаса, куни одатдагидек ўтди. Ухлашга ётишдан олдин телефонига яна бир разм солди. Шу вақтгача ҳеч ким қўнғироқ қилмади, демак, ҳаммаси жойида...

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

«БИР ОИЛАНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ҲАМ ЮТУҒИМИЗ»

дейди капитан Жасур Тўраев

Шофиркон тумани «Мирзоқул» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатаётган профилактика катта инспектори, капитан Жасур Тўраевнинг маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси ва фаоллари билан биргаликда уйма-уй юриб, мавжуд муаммоларни ўрганаётгани Нигинага қўл келди. Уни «Аёллар дафтари»га киритишди. Тикувчилик мутахассислигига эгалиги боис «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан тикув машинаси олиб берилди. Айни пайтда буюртма асосида қизлари билан биргаликда кўрпа-тўшак, ҳар хил пардалар ҳамда келинларга кўйлаклар тикишяпти.



– Бир оила аъзосининг иш билан таъминланиши ҳам маҳалланинг ютуғи, чунки оила тинч ва фаровон бўлса, маҳалла тинч-дир, – дейди профилактика катта инспектори, капитан Ж.Тўраев. – Қолаверса, фаолларимиз доим кўмакдош бўлмоқда.

Мазкур маҳалла туман марказидан 3 километр узоқликда жойлашган бўлиб, учта қишлоқдан иборат. Уч минг бир юз нафардан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Капитан Жасур Тўраев бу ҳудудда хизмат қила бошлаганига бир ярим йил бўляпти. Ўзининг тиришқоқлиги, хушмуомалалиги билан маҳалладошлари орасида ўз ўрнини топа олди. Шу сабаб бугун унинг ёнига акам, укам, ўғлим, дея дардини бўлишувчилар, маслаҳат сўраб келувчилар анчагина, энг муҳими, улар ўз инспекторига ишонишади.

Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалланинг Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси билан ҳамкорликда бешта нотинч оила яраштирилди. Ҳозирда маҳалла ҳисобида битта нотинч оила бўлиб, оила соҳибу соҳибаси билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу оила ҳам яқин кунда яраштирилади. Шунингдек, капитан Ж. Тўраев профилактик ҳисобда турган 22 нафар шахс билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турибди.

Маҳаллада ободонлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳудуддаги 6 километр узунликдаги ички йўллари шағаллаштирилди. Аҳоли томорқаларини суғоришга мўлжалланган 18000 метр ариқлар ҳашар йўли билан тозаланди, 2000 метрга яқин зовурлар қазилиб, тупроқ уюмлари ташиб кетилди. Электр таъминоти бўйича 20 дона темир бетон таянч ўрнатилди, бир километр масофада замонавий сим кабеллар тортилди ва битта трансформатор мукаммал таъмирланди. Ҳозирги кунда 85 фоиз хонадон ичимлик суви билан таъминланди, 513 та хонадонга электрон газ ҳисоблагич ўрнатилди ва техник тафтишдан ўтказилди. Мамлакатимиз бўйлаб уюшқоқлик билан ўтказилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2000 донадан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳа, Шофиркон туманидаги намунали маҳаллалардан бирида амалга оширилаётган бундай ибратли ишлар таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, маҳалла аҳли билан ҳамкорликда капитан Жасур Тўраев ташаббус кўрсатяпти. Бу эса халқнинг осойишталик посбонларига меҳри ва ишончи ортаётганидан далолат беради.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.
Бухоро вилояти.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалда

ЯШНАТИШ — ЭЗГУ АМАЛ

Сирдарё вилояти ички ишлар органлари ходимлари ҳам «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишмоқда, хиёбонлар, кўчалар, хизмат биноси атрофлари, ариқ бўйларига турли кўчатлар экилмоқда.

Сайхунобод тумани ИИБ ходимлари эса туман ҳудудидан ажратилган бир гектар ерда боғ яратишга киришишди.

— Эзгу амал кўнгилга ҳам кўчади, деганлари рост экан, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Жасур Шерқулов. – Боғ яратиш жараёнида кўнгилларимиз ҳам яшнади.

Янгиер шаҳар ИИБ ходимлари ҳам бу борада бошқалардан ортда қолгани йўқ. Улар вилоятдаги тўнғич шаҳарнинг кўча бўйларига 1500 тадан ортиқ кўчат экишди. Учинчи сектор ҳудудидаги яшаш манзиллари, таълим муассасалари ҳам назардан четда қолмади. Бу жойларга яхши ният билан манзарали кўчатлар билан бирга, мевали кўчатлар ҳам экилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудларни яшилликка буркаш, боғ-роғга айлантиришга қаратилган хайрли тадбирлар давом этмоқда.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Postda» мухбири.

Сирдарё вилояти.



Конституция менинг тақдиримда

БОШ ҚОМУСИМИЗ ТЕНГДОШИМАН!

Мен ҳам яқинда 30 ёшни қарши олдим. Ўтган вақт давомида юртимизда ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, илм олдим. 2013 йилда ўзим танлаган соҳа – ички ишлар органларига хизматга кирдим. Айни пайтда Фарғона вилояти ИИБ Иккинчи минтақавий ҳудуди йўл-патруль хизмати отряди 1-сафарбар гуруҳи ЙПХ катта инспектори лавозимида фаолият кўрсатяпман.



Бугун ҳаёт шиддат билан ўзгаряпти. Шаҳарлар обод, йўлларимиз равон бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳайдовчилик маданияти ҳам ошиб бораётгани қувонарли ҳол. Хизмат фаолиятим жараёнида ҳуқуқий маданияти юксак, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши биладиган, қоидаларга сўзсиз амал қиладиган инсонларни кўрсам, уларга раҳмат айтгим келади.

Биз адолатли, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксак жамият қуриш йўлидан боряпмиз. Бунинг учун ҳар биримиз Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз амал қилишимиз зарур.

Камолахон ПЎЛАТОВА,
катта сержант.

Фарғона вилояти.

Биз коррупцияга қаршимиз

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЖИНОЯТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Халқимизда «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деган нақл бор. Буни кўпчилик яхши билади. Лекин айрим шахслар жиноятга қўл уриб, айбини хаспўшлаш учун ўзича чора қидиради.



Деҳқонобод туманида яшовчи Х.О. ўзига тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашинани спиртли ичимлик истеъмол қилиб бошқариб келаётганда ЙПХ инспектори томонидан тўхтатилиб, маъмурий баённома расмийлаштирилиб, транспорт воситаси жарима майдончасига қўйилади. Эртаси куни сархушликдан қутулган Х.О. туман ИИБ ЙҲХБ маъмурий ҳуқуқбузарлик материалларини кўриб чиқиш бўйича инспектори, катта сержант Ўлмас Ҳайитовга учрашади. Инспекторга расмийлаштирилган маъмурий баённомани бекор қилиб, ишни судга чиқармаслик, жавобгарликдан озод этиш ҳамда автомашинани жарима майдонидан чиқариш эвазига пора таклиф қилади.

Катта сержант Ў.Ҳайитов унга бу иши нотўғри эканлигини, қолаверса пора олиш ҳам, бериш ҳам жиноят эканлигини тушунтирса-да, ҳуқуқбузар унамайди. Натижада катта сержант Ўлмас Ҳайитов ИИВ ШХББ Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси раҳбарияти номига билдирги билан мурожаат қилиб, фуқарога нисбатан қонуний чора кўришни сўрайди.

Ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Х.О. ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомани судга юбормаслик ва тегишли чора кўрмасдан ёпиб бериш эвазига катта сержант Ў.Ҳайитовнинг хизмат хонасида унга 2454000 сўм берган вақтида ушланди. Ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳалолликни шиор қилган, касбига садоқатли ходимлар туфайли ички ишлар органларига нисбатан фуқароларнинг ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Ҳабибулла МУҲАММАДИЕВ,
майор.

Қашқадарё вилояти.

Молодежь – наше будущее

ФЕРУЗБЕК – В ЧИСЛЕ ЛУЧШИХ

Ферузбек Базарбаев с юности мечтал стать сотрудником органов внутренних дел. Обучался в Ургенчском колледже олимпийского резерва, упорно занимался борьбой. Неоднократно становился победителем и призером республиканских, областных турниров. После окончания колледжа продолжил учебу в Ургенчском государственном университете, отслужил в рядах Вооруженных Сил.



Для осуществления своей мечты молодой человек представил документы в ОВД. Пройдя отборочные испытания, был принят на службу в мобильный отряд оперативного назначения УВД Хорезмской области.

Закаленный спортом, Ф. Базарбаев показывал отличные результаты в боевой и специальной подготовке. Тонкости профессии осваивал под руководством наставника – подполковника Юсуфбоя Сапаева, строго следовал его наставлениям. Принимал участие в раскрытии ряда преступлений, задержании лиц, совершивших противоправные деяния.

Осознавая, что служба в ОВД предполагает отличную физическую подготовку, продолжал заниматься спортом, успешно выступал в соревнованиях по рукопашному бою, самбо, проходивших среди сотрудников правоохранительных органов. Выполнил норматив мастера спорта по самбо.

Как результат, герой очерка был признан лучшим сотрудником отряда.

Сегодня сержант Ферузбек Базарбаев несет службу в должности рядового сотрудника отряда ППС батальона ППС УООП СОБ УВД Хорезмской области.

– Один из образцовых сотрудников, – говорит о нем начальник УООП СОБ УВД области полковник Сардор Рахимов. – К выполнению возложенных обязанностей относится ответственно. Целенаправленно работает над повышением профессионального уровня, углублением политико-правовых знаний. Кроме того, активно участвует в духовно-просветительских мероприятиях, проводимых с личным составом.

Недавно сержант Ф. Базарбаев вновь был назван в числе отличившихся. В республиканском смотре-конкурсе «Образцовый сотрудник патрульно-постовой службы», состоявшемся в городе Бухаре, он занял третье место.

Убеждены, что данное достижение мотивирует молодого стража правопорядка на службу с еще большей самоотдачей.

Худойберган ЖАББОРОВ, корреспондент «Postda».
Фото Саъдуллы АБДУЛЛАЕВА.
Хорезмская область.

Женщины в погонах

ЖИЗНЕННЫЙ ВЫБОР

Старший следователь СО при УКД ОВД по городу Андижану майор Мадина Мирзакаримова выезжает на место преступления, допрашивает свидетелей, собирает улики. Из сотрудниц получаются хорошие следователи. Они более терпеливые, чем коллеги-мужчины, более внимательные, легче устанавливают контакт с людьми.



...Пенсионерке, проживающей в областном центре, позвонил незнакомец, представился сотрудником одного из банков и сообщил, что она стала обладателем бонуса в размере двух миллионов сумов, а для того чтобы получить деньги, необходимо сообщить номер своей пластиковой карты и пин-код. Женщина обрадовалась свалившемуся с неба богатству и сообщила данные. «Работник банка» сказал, что в течение дня деньги поступят на ее пластиковую карту. Вечером того же дня «обладательница бонуса» пошла в ближайший магазин и попросила проверить баланс. Оказалось, что 1,5 миллиона сумов, находившиеся на карте, бесследно исчезли. Пенсионерка поняла, что ее обманули, и обратилась в оперативную дежурную часть УКД ОВД по городу Андижану.

Оперативники установили, что пожилой женщине звонил 27-летний житель областного центра Бахромжон Баходиржонов (имя и фамилия изменены). Парня задержали. Следствие по делу было поручено вести старшему следователю майору Мадине Мирзакаримовой.

– В ходе предварительного расследования было установлено, что Б. Баходиржонов, несмотря на молодость, имел судимости за кражи и мошенничество, – рассказывает героиня очерка. – По возвращении из мест лишения свободы он опять принимался за старое. Его вина полностью доказана, он снова отправится за решетку.

Выпускницу Академии МВД после окончания вуза направили работать следователем в следственное отделение Андижанского ГОВД. Ее наставник старший следователь майор Кобулжон Шерматов щедро передавал опыт, учил правильно вести необходимую документацию, раскрывал секреты мастерства. Сейчас майор М. Мирзакаримова расследует дела, связанные с грабежами, разбойными нападениями, кражами, мошенничеством.

– С выбором профессии определилась в школе, – делится Мадина. – В восьмом классе на урок пришла женщина – следователь РОВД, она рассказывала, как нужно себя вести, чтобы не стать жертвой преступления. Глядя на нее, решила, что буду непременно носить такую же форму. Тогда и не представляла, насколько это тяжелый труд. Позже увлеклась документальными фильмами о расследовании преступлений и поняла, что именно этим хочу заниматься.

Муж Мадины, Хузурбек Тураев – однокурсник по Академии, служит главным экспертом-криминалистом ЭКЦ УВД Андижанской области, майор. Работа в одной сфере укрепляет семью, супруги поддерживают и понимают друг друга. Хузурбек и Мадина воспитывают пятилетнюю Муслиму и годовалого Фирдавса. Возможно, в будущем они пойдут по стопам родителей.

Борис КЛЕЙМАН, корреспондент «На посту».
Фото автора.
Андижанская область.

Ma’naviyat va ma’rifat darsi

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH – TARAQQIYOT KAFOLATI

Insoniyatning global muammosi bo‘lgan korrupsiya hozirgi kunda dunyoning barcha mamlakatlarida u yoki bu darajada mavjud. Korrupsiyaning dunyo bo‘ylab naqadar keng miqyosda tarqalganligiga va faqat poraning o‘zidan yiliga 1 trilliondan ziyod pul to‘langanligi misoli, o‘z navbatida, vaziyat xalqaro tashkilotlar, jahon hamjamiyatidan ushbu xavfli illatga qarshi kurashni keskin va doimiy ravishda olib borishda siyosiy-huquqiy, iqtisodiy yo‘llarni va unga qarshi kurash usullarini takomillashtirib borish, xalqaro hamkorlikni tobora kuchaytirishni talab etmoqda.

Bu kurash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilab qo‘yilganligi hamda so‘nggi olti yilda mamlakatimizda tubdan amalga oshirilayotgan islohotlar va taraqqiyotimizning kushandasi bo‘lgan korrupsiyaga qarshi izchil kurash boshlanganligidan dalolatdir.

Yangi O‘zbekiston strategiyasining maqsadi korrupsiyadan xoli mamlakat barpo etish bo‘lganligi jamiyatimizni jipslashtiruvchi omilga aylanmoqda. Bu sohada ham jahonning ilg‘or tajribasi keng qo‘llanilayotganligining shohidi bo‘lmoqdamiz. Masalan, raqamli texnologiyalardan davlat xizmatlarida, shuningdek, korrupsiyaning oldini olishda ham muvaffaqiyatli qo‘llanilayotganligi, uning profilaktikasini kuchaytirishga qaratilgan mexanizmlar tobora rivojlanayotganligi va joriy etilayotganligi fikrimizning dalilidir.

Ayniqsa, BMTning Taraqqiyot dasturi bilan yaqin hamkorlikda korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholash tizimini joriy etish bo‘yicha qator tadbirlar amalga oshirilmoqda. Masalan, joriy yilda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi nufuzli xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikda o‘tkazgan treninglar va malaka oshirish kurslarida 220 dan ortiq mas’ul davlat xizmatchilarining malakasi oshirildi va ular xalqaro andazadagi standart sertifikatlarga ega bo‘ldi, 400 dan ortiq ichki nazorat tuzilmalari xodimlarining ham malakasi oshirildi, uslubiy qo‘llanmalar yaratildi. Natijada 19 ta davlat tashkiloti, 1ta tijorat banki korrupsiyaga qarshi kurashish menejmenti tizimi bo‘yicha xalqaro standart sertifikatiga ega bo‘ldi.

Ta’kidlash joizki, mazkur sertifikat mamlakatning xalqaro reytinglarida ustuvor ahamiyat kasb etib, uning investitsion jozibadorligini va investorlar kirib kelishini ta’minlaydigan muhim omillardan hisoblanadi.

Shuningdek, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi BMTning O‘zbekistondagi Taraqqiyot dasturining qo‘shma tashabbusi bilan «O‘zbekistonda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi rolini oshirish uchun fuqarolik makonini, ayollar va yoshlar ovozini mustahkamlash» loyihasi muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda.

Ushbu loyihaning asosiy maqsadlaridan biri fuqarolik institutlari, ayollar, nodavlat, notijorat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy hamjamiyatlardan iborat korrupsiyaga qarshi fuqarolik makonini yaratish orqali jamiyatda halollikka bo‘lgan talabni shakllantirishdan iborat.

Ma’lumki, mamlakatimiz aholisining yarmidan ko‘pini yoshlar tashkil etadi. Aynan yoshlarda korrupsiyaga qarshi nafrat va toqatsizlik uyg‘otish maqsadida ushbu xalqaro loyihada halollikni targ‘ib etish va ularning ongiga singdirish maqsadida joriy yil 28-iyun kuni «Yoshlar halolligi kuni» tadbiri tashkil etildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 14-iyundagi «Davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqlik darajasini oshirish va baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi farmoniga binoan, davlat organlari va tashkilotlarida ochiqlik bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlarning samaradorligini baholashga qaratilgan Ochiqlik indeksi joriy etildi, davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqligini monitoring qilish va baholash bo‘yicha metodika tasdiqlandi. Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholash elektron platformasi va baholash tizimi ishlab chiqildi.

Davlatimiz rahbarining «Yangi O‘zbekiston strategiyasi» kitobida korrupsiyaga qarshi kurashda siyosiy arboblar va davlat xizmatchilarining mablag‘lari va mol-mulklari haqidagi ma’lumotlarni ochiqlashtirish va deklaratsiya tizimini joriy etish, har yili bu boradagi ma’lumotlarni e’lon qilish, davlat xaridlarini amalga oshirishda manfaatlar to‘qnashuvini aniqlash hamda ularning oldini olish mexanizmlarini kuchaytirish maqsadida «Davlat xaridlari to‘g‘risida»gi qonunni, elektron xaridlar tizimini takomillashtirish vazifasi qo‘yilgan. «Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida»gi qonunning «Manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish va uni bartaraf etishga doir chora-tadbirlar» deb nomlangan 21-moddasida davlat organlari xodimlari mansab yoki xizmat majburiyatlarini bajarish chog‘ida manfaatlar to‘qnashuviga olib keladigan yoki olib kelishi mumkin bo‘lgan shaxsiy manfaatdorlikka yo‘l qo‘yilmasligi va bunday hollarda xodimlar o‘zining bevosita rahbarini xabardor qilishi lozimligi, o‘z navbatida, bevosita rahbar bu to‘qnashuvning oldini olish choralarini ko‘rishi shartligi qonunan belgilangan.





Shuningdek, huquqni muhofaza qiluvchi organlar, jumladan, ichki ishlar organlari xodimlari jinoyat va huquqbuzarliklarning oldini olish tizimining samaradorligini oshirish, uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash bo‘yicha huquqiy va tashkiliy-amaliy choralarni kuchaytirish, qonunchilikdagi jazoni og‘irlashtirish yoki yengillashtirishga oid normalarni qo‘llash jarayonidagi inson omilini bartaraf etishga erishishlari zarurligi belgilangan.

Aholining barcha qatlamlari orasida korrupsiyaning barcha shakllari va ko‘rinishlariga murosasiz munosabatni shakllantirish masalasi ham dolzarb vazifa bo‘lib, bu muhim sohaga xodimlarning yangicha yondashuvlari talab qilinadi. Bunga erishish uchun esa izlanish va doim o‘z malakasini oshirib borish, jamiyatda kechayotgan jarayonlarni tahlil qilish, fikrlash ko‘nikmalarini shakllantirish ham zarurdir.


Bir so‘z bilan aytganda, korrupsiyaning har qanday ko‘rinishi va holatlariga barham berish taraqqiyotimiz kafolatidir.

Shuhrat G‘OYIBNAZAROV,
siyosiy fanlar doktori,
professor,
iste’fodagi polkovnik.

Rassom: Husan SODIQOV.

ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛГАН ИНСОН

ИИВ Академиясида бутун умрини эл-юрт осойишталигини сақлашга бахшида этган самимий ва дилкаш инсон, одамлар қалбида эзгулик соҳиби сифатида чуқур ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган Ўткур Жўраевнинг 70 йиллиги ҳамда унинг ҳаёт йўли, амалга оширган эзгу ишлари ва ижодий фаолияти ёритилган «Юрт ишқида ёнган юрак. Ўткур Жўраев замондошлари хотирасида» номли китобнинг тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, фахрийлар, мазкур таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар ва курсантлари ҳамда Ў. Жўраевнинг оила аъзолари, дўстлари ва шогирдлари иштирок этди. Тадбир аввалида вазир ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, мазкур жараёнларда тизимда узоқ йиллар давомида хизмат қилиб, ҳаёт синовларида тобланган, чуқур билим ва тажрибага эга бўлган устоз ва фахрийларнинг насиҳат ва ўгитлари муҳим аҳамият касб этиши ҳақида тўхталиб, юзлаб шогирдларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ёшларни ватанпарварлик ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган





полковник Ўткур Жўраев ана шундай инсонлардан бири эканлигини фахр билан тилга олди.

Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов ҳам юртимиз истиқлолни қўлга киритган дастлабки йилларда осойишталик посбонлари қалбига ҳуррият, маънавият, диний бағрикенглик туйғуларини сингдиришда ўша пайтда вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритган Ўткур Жўраевнинг хизмати беқиёс эканлигини таъкидлаб, ички ишлар органлари тизимида касбий хислатларга эга кадрларни танлаш, уларнинг мақсадли жойлаштирилиши, шахсий таркибни тарбиялаш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ходимларнинг билим савияси ва дунёқарашини кенгайтиришда, энг асосийси эса, ўша таҳликали даларда юртимизнинг баъзи ҳудудларида содир этилган тартибсизликларни бартараф этишда бу инсоннинг заҳматли хизматлари ҳамкасблари хотирасида абадий сақланишини билдириб ўтди.

– Турмуш ўртоғим оиламиз, фарзандларимиз ва яқинларимизга жуда меҳрибон эди, доимо уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳурмат-иззатини жойига қўярди, – дейди Соҳиба ая Жўраева. – Шу сабабли ҳам ҳозирда уларнинг барчаси ана шундай инсоннинг авлоди бўлганликларидан чексиз фахрланиб, у кишининг ҳаққига дуо қилишади.

ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норгитов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдусаид Кўчимов, «Гулистон» журнали бош муҳаррири Маматқул Ҳазратқулов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зулфия Мўминовалар ҳам Ўткур Жўраев нафақат шеърни нафис ҳис этиши, балки ўзи ҳам ўқувчилар диққатини торта оладиган маъноли шеърлар ёзганлигини ижод масъулиятига, айниқса, тилнинг қадр-қимматига катта эътибор қаратганлигини таъкидлади.

Ислом цивилизацияси маркази директорининг илмий тадқиқотлар бўйича ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур доимо самимий ва ҳар қандай шароитда ҳам ҳаққоний фикрни айта оладиган бу зотни хизмат фаолиятида, дўстлар даврасида, яқинларининг тадбир ва маросимларида кўриб, ушбу ҳақиқатга тўлиқ ишонч ҳосил қилгани, шунингдек, унинг адолатли ва самимий бўлишда бошқаларга ўрнак бўладиган, ўзининг тўғри маслаҳат ва ёрдамини аямайдиган шахс сифатида ҳаёт кечирганлигини гапириб ўтди.

Шунингдек, кечада сўзга чиққанлар Ў. Жўраев пенсияда бўлган пайтида вазирлик Фахрийлар кенгаши таркибида ёш ходимларга касб сирларини ўргатиш, фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг даволаниши ва ижтимоий ҳимоя қилинишида жонбозлик кўрсатганини келтириб ўтишди.

Ўткур Пармоновичнинг тўнғич ўғли, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Муҳиддин Жўраев ҳам падари бузруквори-нинг хотирасини ёд этиш учун кечага жам бўлган барчага чуқур миннатдорлик билдирди.

– Ўтказилган бугунги тадбир орқали ички ишлар органлари тизимида нақадар етук ва кучли истеъдод соҳиби хизмат қилганлигига шоҳид бўлдим, – дейди ИИВ Академияси курсанти Азизбек Карвонов. – Шу боисдан, келажакда мен ҳам ўз устимда тинимсиз изланиб, Ўткур Жўраевдек инсон бўлишга аҳд қилдим.

Тадбир давомида мазкур таълим муассасаси курсантлари томонидан Ў. Жўраев қаламига мансуб шеърлардан ўқиб эшиттирилиб, ушбу шеърлар асосида тайёрланган дилрабо қўшиқлар санъаткорлар ижросида маромига етказиб куйланди.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Урок духовности и просвещения

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ – ГАРАНТИЯ ПРОГРЕССА

«Мы должны вместе бороться с коррупцией, которая разрушает государственную систему, угрожает социальной устойчивости...»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Коррупция – широко распространенное социальное явление, известное еще со времен возникновения государств. Как негативная сторона в деятельности государственных органов, она нарушает и в значительной степени ослабляет функционирование власти.

Коррупция не имеет границ и распространена практически во всех странах мира. Многие люди хотя бы раз в жизни сталкивались с различными ее проявлениями. Во многом этими обстоятельствами и обуславливается прямое негативное влияние данного социального зла на развитие государства и общества. Коррупционные факторы во всех их проявлениях являются обстоятельствами, тормозящими прогресс, препятствуют всестороннему совершенствованию человека, государства и общества.

В Законе Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» определено, что «коррупция – это незаконное использование лицом своего должностного или служебного положения с целью получения материальной или нематериальной выгоды в личных интересах или в интересах иных лиц, а равно незаконное предоставление такой выгоды; коррупционное правонарушение – деяние, обладающее признаками коррупции, за совершение которого законодательством предусмотрена ответственность».



Традиционно коррупционными правонарушениями принято считать преступления, связанные со злоупотреблением или превышением власти или должностных полномочий; должностными халатностью и подлогом; воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность; получением или дачей взятки, посредничеством во взяточничестве; подкупом государственного служащего, незаконным получением им материальных ценностей или имущественной выгоды; самоуправством и т.д.

Угрозы коррупции проявляются практически во всех сферах жизни общества. Они ударяют по экономикам стран, которые ежегодно подсчитывают миллионные убытки последствий этого социального зла. В связи с этим борьба с коррупцией приобретает глобальный характер.

Узбекистан проводит планомерную работу по созданию эффективных организационно-правовых механизмов борьбы с этим видом преступности. Все это говорит о том, что борьба с коррупцией в нашей стране вышла на уровень государственной политики.

Анализ коррупционных правонарушений показывает, что данный вид преступности препятствует нормальному функционированию общественных институтов и механизмов, проведению преобразований во всех сферах общественной и государственной жизни, ведет к нарушениям прав и свобод граждан, создает предпосылки для формирования негативного отношения к осуществляемым реформам, вызывает недоверие людей к государственной власти, создает угрозы для безопасности страны.

Для того чтобы преодолеть коррупционный барьер, отгораживающий общество от нормальной жизни, прежде всего необходима прозрачность работы государственных органов. Большую роль в этом процессе играет также активность гражданского общества, его институтов – политических партий, СМИ, общественных организаций и объединений, ННО, органов самоуправления граждан и др. Однако в авангарде должны находиться правоохранительные структуры, в том числе органы внутренних дел, поэтому большое значение приобретает искоренение коррупции в самой системе ОВД.

Нормой должен стать образ честного и неподкупного стража порядка. В последнее время сотрудники ОВД все чаще отказываются идти на сделку с совестью и инициируют обеспечение принципа «неотвратимости наказания» в отношении недобросовестных граждан. На блюстителей закона возлагаются задачи по реализации программ, направленных на противодействие коррупции, осуществление деятельности по преступлениям, связанным с взяточничеством, пропаганда законности и правовой культуры среди населения. С этой целью внедряются современные информационно-коммуникационные технологии, населению предоставляется широкий спектр информации о работе стражей порядка.

Коррупция – серьезная угроза для любой страны. Она наносит вред обществу, снижает эффективность деятельности государственных и местных органов власти, подрывает экономическое развитие страны; разрушает демократические институты и ценности, понятия о справедливости и общественном долге; воздействует на правосознание граждан, создавая у них представление о возможности удовлетворения собственных потребностей путем подкупа должностных лиц.

Сотрудники органов внутренних дел эффективно борются с этим злом. Они защищают общечеловеческие ценности, помогают созидать общество честных людей, в котором нет места коррупции, использованию должностных полномочий в целях личного обогащения и решения собственных проблем – всего того, что мешает людям честно и самоотверженно трудиться на благо Родины.

Только искоренение коррупции во всех ее проявлениях в целом может сформировать общество с высокими моральными качествами, незыблемыми принципами честности и законопослушности, стойкими к проявлениям коррупции. Только так можно построить процветающее демократическое государство.

Динара ШАМУХАМЕДОВА,
корреспондент «На посту».

ОСНОВЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

Закон Республики Узбекистан
«О противодействии коррупции» (3 января 2017 г.)

Указ Президента Республики Узбекистан
«О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» (27 мая 2019 г.)

Указ Президента Республики Узбекистан
«О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан создано Агентство по противодействию коррупции и определен состав Национального совета» (29 июня 2020 г.)

Указ Президента Республики Узбекистан
«О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, кардинальному сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении, а также широкому вовлечению общественности в этот процесс» (7 июля 2021 г.)

Указ Президента Республики Узбекистан
«О мерах по внедрению системы рейтинговой оценки эффективности работ по противодействию коррупции» (12 января 2022 г.)

Олов — тилсиз ёв

ЭҲТИЁТКОРЛИК ҲАМИША ЗАРУР



Сўнгги вақтларда аҳоли ўртасида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ва унинг оқибатлари ҳақида тушунтиришлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай юз бераётган ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ҳолатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган хабарлар барчамизда хавотир уйғотяпти. Халқимиз «Олов — тилсиз ёв» деб бежиз айтмайди. Ҳар доим ҳушёр, эҳтиётков бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қиладиган бўлсак, бу каби кўнгилсизликлардан сақланамиз.

ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД шахсий таркиби иштирокида «Куз ва қиш мавсумида ёнғин хавфсизлиги қоидалари» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи ўринбосари, майор Анвар Зиябеков кун тартибидаги мавзу юзасидан сўзга чиқди.

Унда иситиш мавсуми бошланганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, ҳушёрликни ҳар қачонгидан ҳам ошириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, ис газидан эҳтиёт бўлиш, газ ҳидини сезганда дарҳол эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш ҳамда зудлик билан масъул идораларга хабар бериш лозимлиги уқтирилди.

Шунингдек, пойтахтимизда содир бўлган ёнғинлар бўйича мисоллар келтирилиб, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиби ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Козимжон ЮНУСОВ,
майор.

ИИВ таълим муассасаларида

ИИВ Малака ошириш институтида «Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий – ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022–2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилмоқда.

ИИВ Малака ошириш институтининг «Юридик фанлар» кафедраси томонидан ўтказилган конференцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ички ишлар, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси, ИИВ Академияси, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази шунингдек, қатор олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий конференцияда даставвал ИИВ Малака ошириш институти ва Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ўртасида Меморандум имзоланди. Сўнгра иштирокчиларнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

Соҳа вакиллари ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари асосида бир қатор таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

ИИВ Малака ошириш институти матбуот хизмати.

Инновация

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА

Навоий вилоятидаги барча маҳаллаларнинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактик тадбирларни ташкил этишда жамоатчилик вакилларининг ҳам ҳиссаси бор. Жумладан, Кармана тумани «Уйрот» маҳалласида Жамоатчилик электрон кузатув назорат маскани фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур маскан жойлашган йўл орқали «Уйрот», «Айрончи» ва «Хончарбоғ» маҳаллаларига кириш мумкин. Энди бу маскандан косибчилик билан шуғулланиб юрган Ўлмас Ҳикматов жой олди. У кун бўйи пойабзал таъмирлаш баробарида маҳаллага кириб-чиқаётганларни назорат ҳам қилади.



Маҳаллада Жамоатчилик электрон кузатув назорат маскани ташкил этилган куни вилоят ИИБ ЖХХ ҲПБ, ЙХҲБ, шаҳар-туман ИИБ ЖХХ ва ҲПБ бошлиқлари иштирокида амалий машғулот ўтказилди. Масканда кишининг юз қиёфасини ҳамда автомашина рақамларини қайд этишга мўлжалланган замонавий видеокузатув камералари ўрнатилиши аҳоли учун янада хавфсиз муҳит яратишга хизмат қилиши, тегишли маълумотлар энди жамоатчилик вакили томонидан китобларга эмас, электрон тартибда қайд этиб берилиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, маскан атрофида кўчатлар экилиб, ҳудуд ободонлаштирилди.

Маҳлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.

Кибержиноятчилик

Сўнгги вақтларда фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пул маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез тарқалаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қашқадарё вилоятида ҳам жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай ҳолатлар билан боғлиқ мурожаатлар ортганини кузатиш мумкин.

ОГОҲ БЎЛИНГ: ФИШИНГ!

Вилоятда жорий йилда 63 нафар шахс кибержиноятларга қўл ургани аниқланди. Улар томонидан фуқароларнинг 2 миллиард 400 миллион сўм миқдоридаги пул маблағи фирибгарлик ва ўғирлик йўли билан талон-торож қилинган. Ушбу шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятда содир этилаётган кибержиноятларнинг 98 фоизи фишинг йўли орқали амалга оширилган. Хўш, фишинг нима?



Фишинг интернет фирибгарлигининг бир тури бўлиб, у фойдаланувчиларнинг идентификацион маълумотлари (пароль, кредит карта рақами, банк ҳисоб рақами ва шахс тўғрисидаги бошқа маълумотлар)ни қўлга киритиш йўли билан содир этилади. Ҳозирги кунда фишинг асосан қуйидаги кўринишларда учрамоқда:

– фирибгарлар томонидан машҳур компаниялар номидан логин ва паролни тасдиқлаш сўрови билан миллионлаб хатлар электрон почталарга юборилади. Манзилга кирилганда ҳақиқийсига жудаям ўхшаш ресурсга кирилади;

– фойдаланувчи гўёки эҳсон учун пул йиғиш, хайрия тадбирларини ўтказиш орқали маблағ тўплаш учун ташкил этилган сохта интернет ташкилотлари веб ресурсларига йўналтирилади;

– онлайн-дўконларда аслида мавжуд бўлмаган товарлар учун маблағ тўланади. Ҳақиқий маҳсулотнинг сурати остига арзон нарх ёзилади.

Юқоридаги ҳар учала ҳолатда ҳам жиноятчиларнинг мақсади «ўлжа»ни тузоққа туширишдир. Агар сизга ҳам шундай таклифлар билдирилса, асло ишонманг. Эҳтиёт бўлинг, фишинг қурбонига айланиб қолманг.

Лазиз ЖЎРАЕВ,
подполковник.

Қашқадарё вилояти.

Экспертиза хизмати фидойилари

МАҲОРАТЛИ ВА СИНЧКОВ

Боғот тумани «Ҳуррият» маҳалласида жойлашган нон цехида ўғирлик рўй берди. Бу ердаги сейф ичидан 10 миллион сўм пул ўғирлаб кетилди. Ҳодиса жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи ходимлари жиноят тафсилотини ўрганишга киришишди. Гуруҳ таркибида бўлган катта эксперт, майор Аброр Тойиров воқеа жойида қолдирилган қўл-бармоқ изларидан намуналар олиб, вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика марказига юборди.



Ўрганишлар натижасида қўл-бармоқ излари муқаддам тўрт маротаба судланган боғотлик Т.Б.га тегишли бўлиб чиқди. У Ички ишлар бўлимига олиб келиниб, дастлабки суриштирув ишлари олиб борилди. Далиллардан сўнг гумонланувчи шахс айбига иқрор бўлиб, қилмишини тан олди.


Жиноятни қисқа фурсатда фош этишдаги фаол иштироки учун майор А.Тойировга туман ИИБ раҳбарияти томонидан миннатдорлик билдирилди.

...Урганч давлат университетининг кимё технологияси факультетини тамомлаган Аброр Тойиров беш йил ўқитувчилик қилди. Шундан сўнг вилоят ИИБ ШТБИХ томонидан ўтказилган номзодлар танловида ўз омадини синаб кўрди. Билими ва жисмоний маҳорати танлов комиссияси томонидан юқори баҳоланди ва у Боғот тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори лавозимига тайинланди.

Танлаган касбига ўзгача иштиёқ билан ёндашган Аброр устози – подполковник Ўктам Раҳимовнинг насиҳатларига амал қилди. Беш йил тумандаги бир неча маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда самарали хизмат қилди. Сўнг бошқарма раҳбарияти хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган катта лейтенант Аброр Тойировни Боғот тумани ИИБ ЭКГ катта эксперти лавозимига ўтказишди. У бу вазифада ҳам касбига бўлган садоқатини намоён этди. Айниқса, ҳодиса жойини кўздан кечириш, ашёвий далилларни излаб топиб, 3 та жиноятни «иссиқ изида» фош этишда самарали натижаларга эришда бошлади.

– Аброр Тойиров – тартиб-интизомга қатъий амал қиладиган ходим, маҳоратли ва синчков эксперт, – дейди вилоят ИИБ ЭКМ бошлиғи, майор Олимбой Ражабов. – Ҳодиса жойидаги бирорта буюм, ҳатто майда нарсалар ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Учта жиноятни «иссиқ изида» фош этишда шахсий ташаббус кўрсатган.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.



ТЎРТЛИКЛАР

Ким бировлар ёшликданоқ қартайди-ку,
Қай бир гуллар қартайса ҳам сўлмаган.
Тан қартайса – табиатнинг
қонуни бу,
Бироқ ёшдан жон қартайса – шул ёмон.

* * *

Кўзгу фақат кўрсатар сирт юзингни,
Ташқи гирой – ғарх урган бир ғағалай.
Агар аниқ кўрингни келса ўзингни,
Юрагингнинг кўзгусидан мўрала.

* * *

Тўғри бўл, одамлар сендан қочмасин,
Кўзга кўз тушганда, мурти ўймасин.
«Пенсияга қачон кетар бу?» – дея
Бирга ишловчилар шивирлашмасин.

* * *

Одамлар бор, манманликни кўймайди,
«Ўзим!» дейди, бошқага бош эгмайди.
Садағанг кетайин Саъдий айтган-ку:
«Ўзин севган ўзгаларни севмайди».

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири.

КЕЧА ВА БУГУН





Навоий вилояти

Мероприятие

КОНСТИТУЦИЯ – ОСНОВА СТАБИЛЬНОСТИ И РАЗВИТИЯ

Тридцатилетию принятия Основного Закона страны была посвящена Республиканская научно-практическая конференция, состоявшаяся в Академии МВД Узбекистана.



В мероприятии приняли участие представители Конституционного суда, Законодательной палаты Олий Мажлиса, Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, Университета мировой экономики и дипломатии, профессорско-преподавательского состава образовательного учреждения.

Выступавшие подчеркивали, что Основной Закон является правовой основой всех наших достижений в годы независимости, надежным гарантом обеспечения политической и социальной стабильности. В нем выражена приверженность идее построения демократического государства и свободного гражданского общества, закреплены важнейшие цели и задачи, служащие обеспечению благосостояния народа.

В ходе конференции заслушаны и обсуждены доклады судьи Конституционного суда Республики Узбекистан Абдуманноба Рахимова, председателя Комитета по противодействию коррупции и судебно-правовым вопросам Законодательной палаты Олий Мажлиса Жахонгира Ширинова, начальника отдела Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Хайруллы Рузметова, доцента кафедры государственно-правовых дисциплин и обеспечения прав человека Академии МВД Гульчехры Маткаримовой и др. Состоялся плодотворный диалог о роли Основного Закона в развитии национальной государственности, его значении в жизни граждан, сути конституционных реформ, определяющих дальнейший устойчивый прогресс государства и общества.

Радик ТУМПАРОВ, корреспондент «На посту». Фото Сухроба ШАМАНСУРОВА.



Формула успеха

С ТЕХНИКОЙ НА «ТЫ»

Общеизвестно, что основным фактором в достижении поставленных целей являются упорный труд, настойчивость и желание быть лучшим в своем деле. Это непреложное правило обязательно для тех, кто желает приносить пользу обществу.

Одним из специалистов, преуспевших на профессиональном поприще, можно с уверенностью назвать главного инспектора Управления материально-технического снабжения МВД Республики Узбекистан лейтенанта Аваза Абдуллаева. По отзывам руководства и коллег, ответственный, трудолюбивый и настойчивый в решении поставленных задач А. Абдуллаев на сегодняшний день является одним из лучших сотрудников подразделения.



В чем заключается секрет его успеха? На этот вопрос ответит герой очерка.

– Прежде всего, необходимо для себя четко уяснить, что без постоянной работы над своим профессиональным уровнем, без навыков, умения и, конечно, годами наработанного опыта невозможно в полной мере овладеть тонкостями выбранной профессии, – говорит наш собеседник. – Очень важно расширять кругозор, знания, изучать специальную литературу, развиваться духовно и физически. Я, к примеру, в самом начале своего становления осознал, что без досконального знания дела не смогу в полной мере осуществлять служебные обязанности. А так как моя работа связана с техническим обслуживанием техники и аппаратуры, то этот аспект изучил во всех нюансах. Сейчас время такое – в каждой сфере необходимы профессиональные работники, это касается и органов внутренних дел. Более того, в ОВД огромное значение придается техническому снабжению подразделений, и от того, насколько она будет качественно функционировать, зависит результат.

После насыщенного служебного дня Аваз Абдуллаев возвращается домой, где его с нетерпением ждут супруга, Лобар, и двухлетний сынишка, Мухаммадали. Быть может, когда он подрастет, то, сделав осознанный жизненный выбор, пойдет по стопам отца и даст начало династии сотрудников органов внутренних дел?

– Искренне на это надеюсь, – улыбается А. Абдуллаев.

Бахтбек ПУЛАТОВ, капитан.

«Черный мак–2022»

ЗАСЛОН НА ПУТИ ОПАСНОСТИ

В рамках широкомасштабной профилактической операции «Черный мак» оперативники отдела по борьбе с незаконным оборотом наркотиков УУР УВД Андижанской области в ходе совместных мероприятий с коллегами из других правоохранительных органов пресекли трафик и реализацию крупных партий сильнодействующих лекарственных препаратов «Трамадол», «Регапен» и «Тропикамид», входящих в категорию наркотических средств, обращение которых ограничено на территории Узбекистана.

Так, в ходе проведения оперативных мероприятий был задержан житель Шахриханского района И. И., который перевозил в собственной «Нексии-3» 560 капсул «Регапена» и 759 флаконов «Тропикамида». Машина была остановлена в Ходжаабадском районе. Сильнодействующие препараты изъяты в процессуальном порядке.

В автомобиле «Матиз» жителя областного центра К. К. были обнаружены 40 флаконов «Тропикамида» и 112 капсул «Регапена». Препараты предназначались для жительницы города Андижана, М. Д., занимавшейся их реализацией. В доме М. Д. были обнаружены и изъяты 310 флаконов «Тропикамида» и 1 918 капсул «Регапена».

На территории Андижанского района был остановлен автомобиль «Ласетти», в котором житель города Коканда Ферганской области Н. А. перевозил 348 флаконов «Тропикамида» и 449 таблеток «Трамадола». Задержанный признался, что вез «товар» для «реализатора», Х. Б., проживающего в Булакбашинском районе. В доме Х. Б. был обнаружен тайник, в котором находились 203 флаконов «Тропикамида» и 4 460 таблеток «Трамадола».

В областном центре задержали горожан Г. А. и Ю. Б., занимавшихся реализацией таблеток. В доме у Г. А. изъяли 230 флаконов «Тропикамида». У сезонного рабочего Ю. Б. в подсобном помещении был обнаружен «схрон» с 3 332 капсулами «Регапена». А проживающую в «Северном микрорайоне» А. Г. взяли с поличным во время реализации 80 флаконов «Тропикамида» и 140 капсул «Регапена».

Следует отметить, что во всех случаях сильнодействующие препараты были ввезены из Кыргызской Республики контрабандным путем.

По указанным фактам возбуждены уголовные дела по соответствующим статьям Уголовного кодекса, проводятся следственные мероприятия.

Хочется напомнить, что сильнодействующие препараты способны разрушить внутренние органы, особенно сердце, печень, кровеносную и центральную нервную системы.

Кудратжон МАХСУДОВ, старший лейтенант. Борис КЛЕЙМАН, корреспондент «На посту».

Андижанская область.

Одам савдоси – оғир жиноят

Хоразм вилоятида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар органлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиляпти.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

– Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар органларига одам савдоси билан боғлиқ бўлган 14 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар атрофлича ўрганиб чиқилди, – дейди вилоят ИИБ Т ва ЭҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник Анвар Авезов. – Мурожаатлар ўз тасдиғини топгани учун уларнинг барчасига Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноятларда 23 нафар шахс жабрланувчи деб топилган. Шунингдек, чақалоқ савдосининг олдини олиш мақсадида ўтказилган тушунтириш ишлари натижасида 8 нафар фуқаро жиноят содир этишининг барвақт олди олинди.

Кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаётганига қарамасдан, баъзи фуқаролар одам савдоси жиноятига қўл уришмоқда. Масалан, жорий йилнинг 14 сентябрь куни ўтказилган тезкор тадбирда муқаддам судланган ургачлик Қ.З. икки ойлик фарзандини «харидор»га 10 минг АҚШ долларига сотишга келишиб, шундан 9 минг 200 АҚШ долларини олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Инсонлар ҳаётига жиддий хавф солаётган мазкур жиноятга қарши кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда доимий равишда курашмоқ лозим. Зеро, ҳеч бир инсон одам савдоси қурбонига айланмасин!

Элдор САФАЕВ,
майор.
Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

Суратли лавҳа



БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани олий тоифали ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Гулбаҳор Суярова ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида аҳамият қаратади. Шу боис ўқувчилари «Конституция – бахтимиз қомуси» ва бошқа турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Учинчи секторда

КЎЛАМЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Халқни рози қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қимматини таъминлаш бош мақсад қилинган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар биримиз учун муҳим аҳамиятга эга, десак, хато бўлмайди.



Мавзуга Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси фаолияти мисолида ёндашадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида учинчи сектор масъулларининг саъй-ҳаракати билан мавжуд 149,8 километр ички йўлларнинг 30,9 километрига асфальт, 118,9 километрига шағал ётқизилган. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2105 та устун, 30 та трансформатор, 1791 та ёриткич ўрнатилиб, 102,5 километрлик тармоқ тортилган. Бундан ташқари, учинчи сектордаги аҳоли пунктларида 108,3 километр масофага янги сув қувурлари ётқизилган. 66 километрлик сув қувури, 16 та артезиан қудуқ, 26 та сув иншооти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 21 та янги артезиан қудуғи ковланган. Шу билан бирга, 2 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 9 та мактаб, 8 та тиббиёт муассасаси, 7 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирланган.



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида сектор ҳудудларида 914 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 7545 та иш ўрни яратилган. Ўз навбатида, секторда яшовчи 33 минг 632 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. 7315 нафар фуқаро касб-ҳунарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилган бўлса, 488 кишига субсидия асосида салкам 959 миллион сўмлик иш



қуроллари ва воситалари ажратилган.

Айтиш керак, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ИИБ ва ҳудудий ички ишлар органларига 11 минг 679 та мурожаат келиб тушган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Бош вазир виртуал қабулхоналари, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура «Ишонч» телефонлари ва почта орқали ҳам кўплаб аризалар олинган ҳамда уларни ҳал қилиш чоралари кўрилган ва кўрилмоқда.

Шунингдек, жойларда сектор раҳбарининг 18 та сайёр қабули ташкил қилинди. Аҳоли вакиллари, хусусан, ёшлар иштирокида ўтказилган ушбу қабулларда 834 нафар фуқаро 1042 та масала бўйича мурожаат қилган. 798 та муаммога ечим топилиб, 64 та масалани ҳал этиш узоқ муддат талаб қилгани боис назоратга олинган. 98 та масала эса ўрганиш жараёнида.

Хуллас, вилоят учинчи секторида аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш, инфратузилмаларни яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тараққий эттиришга қаратилган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

Сиз кутган учрашув

ДИЛНОЗА КУБАЕВА:
ИЖРОИМГА АВВАЛ ЎЗИМНИ, КЕЙИН ТОМОШАБИННИ ИШОНТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМ



ДИЛНОЗА КУБАЕВА

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, «Шуҳрат» медали соҳибаси Дилноза Кубаева 1986 йилда Тошкентда таваллуд топган. 2004 йилдан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўткан кунлар», «Имон», «Қуёшни сен уйғотасан», «Ўжарлар» каби кўплаб спектаклларда, шунингдек, «Келгинди келин», «Телба», «Ҳижрон», «Кечиккан ҳаёт», «Фарзандим», «Барон» сингари 30 га яқин фильмлардаги ўз иштироки билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

– Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввара Абдуллаева ва Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев курсида ўқиганман. Улар актёрликнинг нозик жиҳатларини ўргатиш билан бир қаторда, ҳаёт йўлида қимматли маслаҳатларини беришган, – дейди Дилноза Кубаева.

Театр ва кинода ранг-баранг ижролари билан нафақат устозларининг ишончини оқлаб, балки санъатсевар халқимизнинг меҳрини ҳам қозониб келаётган истеъдодли актриса Дилноза Кубаева яқинда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.





– Дилнозахон, аввало, унвон муборак бўлсин! Ушбу мукофотни қабул қилиб олаётганингизда кўнглингиздан нималар кечди?

– Ҳожиакбар Комилов, Раъно Ярашевадан кейин Дилноза Кубаева, дея чақиришганидан жуда суюндим. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актёрларининг уч нафари ҳам шу мукофот билан тақдирланди. Рўйхат узун эди. Агар битта ўзим бўлганимда бунчалик қувонмаган бўлардим. Одатда кўпчилик билан бўлган ишни, ҳаётимдаги хурсандчилигимни ҳам ҳамма билан бўлишишни яхши кўраман. Театрда бир бўлак нонни, ҳатто битта конфетни ҳам бўлаклаб улашадиган устозларимиз бор эди. Ҳаётимда кўрганларим, кузатганларим мен учун катта сабоқдир.

– Театр, умуман, санъат ҳаётнинг инъикоси эканлиги бор гап. Сиз ўз ижроингизни ҳаётийлик билан бойитишда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қаратасиз?

– Аввало, асарда мантиқ бўлиши керак. Агарда мантиқ бузилган бўлса, адиб ва режиссёр билан маслаҳатлашиб, бир фикрга келишга ва ролимни табиий ижро этишга ҳаракат қиламан. Саҳнада ижроимга аввал ўзимни кейин томошабинни ишонтириш – бош мақсадим.

– «Барон» фильмида оддий эпизодик ролда томошабинга ниҳоятда чуқур маънони етказиб бера олгансиз? Айниқса, Иззатнинг ўз боласи билан божхона постидаги суҳбати саҳнаси...

– Бу саҳна мен учун ниҳоятда қийин кечган. Мен айнан шу саҳнада ролим табиий ва ишонарли бўлиши учун кинокартина режиссёри Рустам акага кўп мурожаат қилганман. Чунки мен жуда ҳиссиётга бой аёлман. Бунақа оғир, вазмин аёл образи, қолаверса, атрофда айғоқчилар бор. Турмуш ўртоғимнинг махсус хизмат одами эканлигини сездирмасликка ҳаракат қилишим керак. Бу образнинг муҳим нуқтасини топиб олишим ва ижро этишимда Рустам ака ўзлари ёрдам берган ва ҳар бир ҳаракатимни бошқариб турган. Шундай вазиятларда сценарий муаллифи ва режиссёрларнинг ёрдамига суянаман, таянаман. Улардан сўрашдан уялмайман.

– Қатағон қурбонлари қатори, мислсиз азият чеккан адабиёт аҳлининг аччиқ қисматидан сўзловчи «Саид билан Саида» фильмида сизни яна бир янги қиёфада кўрдик...

– Бу ролимда қаттиққўл, эркаклар билан бир сафда ишласа-да, нафис туйғуларини қалбининг бир чеккасида асраб яшайдиган ҳарбий аёл қиёфасини гавдалантирганман. Ҳаётда кўп кузатганман, шундай қийин, мураккаб соҳаларда хизмат қилса-да, тўрт қатор шеърдан таъсирланиб, тўкилиб-тўкилиб йиғлайдиган инсонлар бор. Улар санъатни, адабиётни тушунади ва қадрлайди. Шундай ички ишлар органлари ходимларини биламан, уларнинг қўлидан қалам тебратиш, шеър ёзиш, ажойиб тарзда қўшиқ куйлаш келади.

– «Кўргим келади» кинокартинасида Зиёда Алиева бўлиб, жазони ижро этиш муассасасидаги саҳналарда кўнглингиздан нималар кечган?

– Шу кинокартинада суратга тушиш жараёнида мен кулиш нималигини анча вақтгача унутганман. Қибрай туманидаги жазони ижро этиш муассасасида олинган бу саҳналар. У ерга киришнинг ўзидаёқ тўқ-тўқ ранглар билан чизилган бошқача бир олам сизни ўраб олади ва қандайдир сокинлик руҳиятингизга кўчади. Аввалига қамоқхона деворларига қараб, камераларга киришга қўрққанман. Лекин хаёлимни бир ерга жамладим. Қўрқишга, чўчишга ҳаққим йўқ, менга ишониб топширилган вазифани адо этишим керак, дедим. Ўша вазиятда онанинг мақсади нима бўлади? Бу оғир кунларни енгиб, фарзандини бағрига босишини ич-ичимдан ҳис этганимдан сўнг суратга олиш жараёнлари яхши ўтган. У ердаги режиссёр Жавоҳир Қосимов бошчилигидаги актёрлар ансамбли тўғри танланган ва жудаям яхши жамоавий иш бўлган. Ҳамма астойдил меҳнат қилган. Бизга муассасада хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг катта ёрдами теккан. Ҳар гал шу фильмни кўрганимда улардан миннатдор бўламан. Яна бир фикр: улар ниҳоятда масъулияти оғир ва жиддий хизматни олиб боришса-да, санъатни ва санъаткорларни ҳурмат қилишига гувоҳ бўлганман.

– Бугун барча соҳаларда ўсиш-ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Кино ва театр соҳасида-чи? Умуман олганда, бугун экран юзини кўраётган кинолар ва театр томошаларидан кўнглингиз тўляптими?

– Давлат буюртмаси асосида олинаётган кинолар анча чиғириқлардан ўтади. Улардан кўнглим тўлади. Ҳозир хусусий кино ижодкорларимиз бироз тўхтаб қолишди. Эсингизда бўлса, 2005 йилдан хусусий фильмлар жуда фаоллашиб кетган эди. Бундай киноларга «хонтахта» деган ном ҳам қўйишганди. Тўғриси, менга бу таъриф ёқмайди. Хусусий фильм ҳам ижод. Ижодга нисбатан бунақа камситиш керакмас. Ўша «хонтахта»ларда ҳам яхши мавзулар кўтарилган шундай фильмлар орқали танилганлар бор. Шундай фильмларни соғинадиган мухлислар ҳам бор.

– Миллий театр саҳнасида қўйилаётган янги асарлар, ижодингиздаги янгиликлар ҳақида нималар дейсиз?

– Театримизда намойиш этилаётган «Адолат фасли» асари ижодимдаги янги спектакль ҳисобланади. Усмон Азим қаламига мансуб асарда Амир Темур бобомиз босиб ўтган улкан ҳаёт йўлининг бир парчаси саҳналаштирилган. Менга Амир Темурнинг келини Хонзодабегим ролини ишониб топширишган, юки бор образ. Мен ўзимни мана шундай драматик ролларда кўришни хоҳлайман.

– Муштарийларимизга тилакларингиз...

– Ички ишлар органлари либосини кийиш орзуим эди. Ҳаётда насиб қилмаган бўлса ҳам, ролларимда, масалан, «Адвокатлар»да ички ишлар органлари ходимаси ролини ижро этганман. Уларнинг либосини кийиш ёқади. Аммо унинг орқасидаги машаққатли меҳнат, фидойилик, вақтида ўзингдан, оромингдан кечиш кераклигини ҳам яхши биламан. Уларнинг шарафли хизматларида мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, кўнгил осойишталигини тилаб қоламан.

«Postda» мухбири Гулноза ТУРҒУНБОЕВА суҳбатлашди.

Грани мастерства



ПРОЯВЛЯЯ ВЫСОКУЮ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

2 декабря в ходе специального мероприятия в Ташкентском международном аэропорту задержан житель Наманганской области Анвар Кобилов (имя и фамилия изменены). Мужчина, пытаясь скрыться от правоохранительных органов, планировал вылететь из страны рейсом «Ташкент – Москва». Его замысел был сорван благодаря бдительности сотрудников органов внутренних дел, в числе которых – майор Махмуджон Арисланов.

За плечами майора М. Арисланова – годы службы в рядах стражей правопорядка. Профессиональную деятельность он начал в 2013 году, после окончания ТВВТУ (ныне – Университет общественной безопасности Республики Узбекистан), с должности заместителя командира отряда ППС. Затем результативно работал в подразделениях уголовного розыска ГУВД столицы, МВД. В настоящее время, проявляя высокую ответственность, несет службу в должности старшего инспектора отдела профилактики правонарушений Управления обеспечения безопасности в аэропортах города Ташкента.

Герой очерка с благодарностью говорит о наставниках.

– Подполковники Хусан Бойкулов, Назар Саитходжаев, Тохир Рахимжонов способствовали моему профессиональному становлению. Они не только настоящие специалисты, но и неутомимые люди, – подчеркивает Махмуджон.

Служба майора М. Арисланова и его коллег направлена на охрану общественного порядка, предупреждение и пресечение преступлений и правонарушений в аэропортах столицы.

– Специфика работы связана с огромным пассажиропотоком, требующим максимального внимания, – поясняет собеседник. – Важно быть в постоянном взаимодействии с различными подразделениями, осуществляющими деятельность на вверенной территории, незамедлительно реагировать на любые противоправные действия. Немаловажный аспект – проведение разъяснительной работы с пассажирами.

Сегодня М. Арисланов сам является наставником. Плечом к плечу с ним служат старшие лейтенанты Бунёд Эминов, Алишер Буронов, которые равняются на опытного товарища.

Радик ТУМПАРОВ,
корреспондент «На посту».

Лучшие в своем деле

ОПЫТНЫЙ КАДРОВИК

Найти дело жизни, свое предназначение – мечта любого человека. Часто на выбор профессии оказывают влияние окружающие люди.



Подполковник Махсет Аширбеков родился и вырос в одном из отдаленных районов Каракалпакстана, Тахтакупырском.

В 2004 году М. Аширбеков поступил на Высшие курсы по подготовке сержантского состава Академии МВД. Пройдя шестимесячное обучение, начал служить инспектором в батальоне ППС УООП МВД Республики Каракалпакстан. В 2007 году его назначили инспектором профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи ОВД Чимбайского района.

– Работая с несовершеннолетними, понял, что в каждом подростке есть скрытый талант, тяга к определенному направлению. Нужно только указать правильный путь. В настоящее время стараюсь раскрыть таланты и помочь реализовать их своим детям, – поделился М. Аширбеков. – В ходе профилактических бесед с несовершеннолетними, состоящими на учете, старался обращать внимание на эти аспекты. Поскольку сам получил образование по физическому воспитанию, советовал заниматься спортом, приводил их в различные спортивные секции.

Отлично проявив себя в работе с подростками, герой очерка стал старшим инспектором группы по работе с личным составом ОВД Тахтакупырского района, в последующем занимал различные должности в Управлении кадров МВД Республики Каракалпакстан. Сегодня он – главный инспектор отдела духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения.

– Правильный подбор и расстановка кадров повышают эффективность службы. Махсет Аширбеков – сотрудник с большим стажем, один из самых опытных и ответственных, – отмечает заместитель начальника службы духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения – начальник отдела по обеспечению кадрами майор Саламат Атамуратов.

Супруга М. Аширбекова, Калбийке Каниязова, также служит в органах внутренних дел Республики Каракалпакстан. В семье стражей порядка растут трое детей. Махсет Аширбеков воспитывает их в духе уважения к старшим, любви к Родине и своему народу.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
корреспондент «На посту».
Республика Каракалпакстан.

Наставник – ученик

ОПРАВДАЛ ДОВЕРИЕ

Каждый страж порядка, только приступающий к своим обязанностям, закрепляется за опытным наставником. Так и Асрор Субхонов, в 2020 году окончивший Академию МВД, был закреплен за старшим инспектором профилактики ОВД Галляаральского района Джизакской области подполковником Бахромом Баротовым.



Подполковник имеет 19-летний стаж службы в системе профилактики правонарушений. За год он научил Асрора Субхонова секретам профессии, дал углубленную информацию о порядке несения службы, правах и обязанностях, ведении документации, соблюдении служебной дисциплины и законности. Бахром Баротов принимал меры, направленные на повышение профессиональной, физической и боевой готовности молодого специалиста.

– В настоящее время старший лейтенант Асрор Субхонов служит инспектором профилактики в махалле Маданият, – говорит заместитель начальника по духовно-просветительской работе ОВД Галляаральского района подполковник Киличбек Усаров. – Он достигает хороших результатов в части обеспечения общественной безопасности, предотвращения правонарушений и борьбы с преступностью. Будучи ответственным сотрудником, завоевал уважение коллег. В сложных ситуациях он всегда может положиться на наставника.

Сам Асрор Субхонов приписывает все свои успехи мудрому наставничеству подполковника Бахрома Баротова. Словом, традиция «наставник-ученик», широко практикуемая в органах внутренних дел, приобретает все большее значение в формировании квалифицированных сотрудников, профессионалов своего дела, в повышении эффективности службы на благо Родины.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
корреспондент «Postda».
Джизакская область.

Сўнгги кун

БАХТЛАР ВОДИЙСИНИНГ ШОДЛИК КУЙЧИСИ



Ўн икки ёшидан қалам тебратган, йигирма ёшида элга танилган, йигирма бешида Америка ва Франция газеталарида номи тилга олина бошлаган, ўттизида XX аср ўзбек адабиётининг яловбардори бўлган буюк шоир, драматург, публицист ва йирик жамоат арбоби Ҳамид Олимжон бундан роппа-роса 113 йил муқаддам, айни 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келган эди.

Бугун эса, сиз азиз муштарийлар билан ўзбек шеъриятида жўшқин лиризмга асосланган шеърият мактабини яратган ва ўзидан ўлмас мерос қолдирган ижодкор ҳаётининг сўнгги кунларини ёдга оламиз.

«Эсимда ўша дамлар»
Салқин саҳарларда
Уйқидан турган,
Булоқ сувларига
Юзини ювган,
Мармар ҳаволарнинг
Қўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқларга
Кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик
Ишқи билан
Ёнган далалар
Кўм-кўк...

Эсладингизми?.. Бу ўйноқи сатрларни олис болаликнинг беғубор дамларида, ўйинқароқ ўқувчилик йилларида ўқигандик. Лекин унда ҳали шоирнинг нафақат эрксевар юраклар, ҳатто бепоён далаларимизнинг ҳам мустақиллик ишқи билан ёнганини рангин бўёқларда маҳорат билан тасвирлаганини англаб етмагандик. Зеро, бизни шоир поэзиясининг жўшқин лиризмга бойлиги, халқона соддалиги ва эҳтироснинг зўрлиги каби хислатлари маҳлиё этган эди.

Нафсиламрини айтганда, йигирма йил атрофида қалам тебратган ҳассос шоирнинг бизга мерос қолган 230дан ортиқ алоҳида асарлари ичида бундай ўтлиғ мисраларни кўплаб учратиш мумкин.

1929 йилда ўқувчилар қўлига етиб борган илк шеърий тўплами «Кўклам»дан тортиб, «Олов сочлар» (1931), «Ўлим ёвга» (1932), «Пойга» (1932), «Дарё кечаси» (1936), «Чирчиқ соҳилларида» (1937), «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) каби назмий гулдасталарида шодлик ва бахтга тўлиб яшаш, бу туйғуларни халқнинг қалбига сингдириш етакчилик қиларди.

«БОҒ АРО ҚЎЙСАМ ҚАДАМ... »

Ҳар гал Қибрай томонга йўлим тушганда, Дўрмондан ўтишим билан беихтиёр салкам саксон йиллик воқеалар кўз ўнгимда гавдаланади. Ана, бедазор, олмазор, жийдазорлар, пахтазорларни оралаб, хушманзара ерлар, узоқда кўринган тоғларни завқ билан томоша қилиб бораётган икки киши кўринди. Улардан бири табиатнинг ажойиб ҳусн-тароватини томоша қилиб боргани сари катта, севинч ва ҳайрат тўла кўзлари билан атрофга тўймасдан, оч назар ташлар, лабларида майин қалтироқ ва ним табассум яққол сезилиб турарди. Бу – Ёзувчилар уюшмасининг раиси, таниқли шоир Ҳамид Олимжон эди. У ижодкорлар учун берилган боғни ўз кўзи билан кўриш, уни қанчадан-қанча шеърлар, поэмалар, ҳикоялар, романлар, пьесалар яратиладиган ҳақиқий ижод фабрикасига айлантириш мақсадида йўлга чиққан эди...



Бироқ бутун умри кураш, ижод ва завқ билан ўтган шоир ортга қайтаётганда ўзини нималар кутаётганидан, ногоҳоний фожиадан бехабар эди. Шунинг учун бўлса керак, йирик-йирик олтин юлдузларга тўла осмон остида, боғдаги соф ҳаво, гулу райҳонларнинг димоқни қитиқлайдиган ҳидидан маст бўлган адиб адабиёт ҳақида, ёзувчилар ҳақида, ҳаёт ҳақида, янги ижодий режалар ҳақида камол ишонч ва зўр ғурур билан гапиргандир...

Аммо тақдир ёзиқлари бошқача бўлиб чиқади. Улар тушган юк машинаси даҳшатли автоҳалокатга учрайди. Жиддий жароҳат олган ҳассос шоирни омон сақлаб қолиш, ўзи талпинган Омонининг олдига эсон-омон олиб бориш учун ҳамма чоралар кўрилади. Лекин Тошкентдаги энг зўр жарроҳлар ва яна бир қанча врачларни тўплаб, шахсан ўзи бош бўлиб турган Усмон Юсуповнинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмайди. Операция муваффақиятли тугаган бўлса-да, кетма-кет берилган наркозлардан сўнг ўзига келолмаган буюк шоир абадий уйқуга кетади...

«ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР»

Ҳар йил баҳорда бир ҳол такрор бўлишига эътибор берганмисиз? Баҳорнинг биринчи куни вафо ва садоқатнинг тирик тимсоли бўлган Зулфияхоним тилга олинади. Уни таваллуд топган куни билан табриклашга ошиққанидан оппоқ гулларга бурканган ўрик бутоқлари эса шоирага бўлган соф ва самимий севгининг рамзига айланган оловқалб адиб Ҳамид Олимжонни эслатади. Зеро, қалби ҳам, қалами ҳам бир-бирига вобаста бўлган бу икки дил достонининг самовий жаранги ҳам, халқимиз чин юракдан севган буюк зотларнинг иккинчи умри ҳам қалбларни поклашдан, юракларга қайноқ эпкинларни олиб киришдан тўхтагани йўқ.

Ўзбек халқининг севимли шоири Ҳамид Олимжон ўзи яратган қаҳрамонлардан бирининг тилидан айтилган қуйидаги оташин мисралар ҳам худдики башоратдек янграйди:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ;
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман!

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактабларидан бирига Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи берилгани ва ушбу таълим масканида тарбияланаётган 140 нафарга яқин ўқувчилар ҳамда юзлаб Зулфияхоним қизларининг қизғин ижод лабораториясида бу икки буюк шоирнинг руҳи мададкорлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Таниқли ижодкорлар Микоил Сулаймонов ва Зулфия Қуролбой қизи сценарийси асосида режиссёр Иброҳим Расулов суратга олган ва жорий йилнинг 27 май куни пойтахтимиздаги «Киночилар уйи»да премьераси бўлиб ўтган «Муҳаббат баҳори» бадиий фильми эса Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш, икки дилни пайвандлаган муҳаббат баҳорининг сира сўнмаслигига яна бир ишоратдир.

Темир ҚУРБОН.

Ҳамид Олимжон туғма ва нодир талант эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб ва адаб аён.

Миртемир,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳамид Олимжон — ўзбек шеъриятида сира ўчмас из қолдирган шоир. Унинг лирикаси ҳали узоқ йиллар шеърий жўшқинликнинг, шавқ ва эҳтироснинг тимсоли бўлиб қолади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

BOLAJON

FARZANDINGIZGA TIL O‘RGANISHIDA YORDAMLASHING!

Har bir ota-ona o‘z farzandining yuqori intellektga va barcha imkoniyatlarga ega bo‘lishini xohlaydi. Shu sababli, bolalarga yoshligidan chet tillari o‘rgatiladi. Bolalar kattalarga qaraganda begona madaniyatga ko‘nikishi osonroq deb ishoniladi. Ammo bolalar uchun ingliz tili maxsus o‘qitish metodikasi murakkab bo‘lgani bois, uyda ham muntazam shug‘ullanishni talab etadi. Aziz ota-onalar, ingliz tili darslarini oson va samarali o‘rganishning eng sodda usullari haqida maslahat beramiz.



Yangi so‘zlarni yod olish. Xorijiy tilni o‘rganishdagi eng katta muammo bu so‘z yodlashdir. Negaki, bu jarayonda siz o‘nlab yoki yuzlab emas, balki minglab yangi so‘zlarni o‘rganishingiz talab etiladi. Farzandingizga har kunga mo‘ljallab, yangi so‘zlarni yodlashga bering. Ingliz tilida so‘z yodlayotgan o‘quvchi yana bir qiziq holatga duch kelishi mumkin. U ham bo‘lsa, ba’zi inglizcha so‘zlarning o‘zbekcha so‘zlar bilan nafaqat ohangdosh, balki ma’nodosh ekanligi hamdir. Albatta, bunga o‘xshash so‘zlar sanoqli, lekin harakat va izlanishlar orqali bunday so‘zlarni ko‘plab topishingiz va so‘z boyligingizni yanada ko‘paytirishingiz mumkin.

Quyida shunday so‘zlardan misollar keltiramiz:

to chop – chopmoq, daddy – dada, the wall – devor, a voice – ovoz, asphalt –asfalt, galosh – kalish, pistachio – pista, candy – qand, candle – qandil, a dish – idish.

Lug‘at daftariga e’tibor bering. Unda turli xil rangdagi ruchkalardan foydalaning. Lug‘at tutishdagi eng katta xato bir xil rangli ruchka ishlatishdir. Tasavvur qiling, lug‘atdagi hamma so‘zlar ko‘k rangda yozilgan, ularni bir-biridan ajratib bo‘lmaydi, manzara naqadar zerikarli! Aynan shundan keyin bola o‘qishdan zerikadi-da. Natijada esa miyamiz zerikkan narsaga e’tibor qaratishni xohlamaydi.

So‘zlar oldiga rasmlar chizish. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, agar so‘zlarning oldiga rasm qo‘yib yodlasangiz, eslab qolish ehtimoli oshar ekan. Ayniqsa, lug‘at daftaringizdagi qiyin va yaqqol tasavvurga moyil yangi yodlanadigan so‘zlarga rasm chizish kerak. Eng muhimi, chiroyli chizish emas, balki yangi so‘zga moslab chizish zarur. Bundan uyalmaslik ham kerak.

To‘g‘ri talaffuz qilish. Ingliz tilida so‘z va so‘zlashuvlarni audio kitoblarda ma’lum bir so‘z, tovush, ibora qanday o‘qilishini tinglang. Ushbu mavzu bo‘yicha videolarni tomosha qiling. Bundan tashqari, ingliz tili hikoya qiluvchining birinchi va asosiy tili bo‘lishi kerak. O‘quv materiallaridan foydalaning va farzandingiz bilan birgalikda olingan bilimlarni amalda qo‘llang. Ingliz tilida ovoz chiqarib o‘qishni nazorat qiling.

Barcha qoidalar va maslahatlarga rioya qilish, to‘g‘ri o‘qishni o‘rganish qiyin emas!

Munisa XOTAMOVA,
Toshkent shahri Chilonzor tumani
217-maktabning ingliz tili
o‘qituvchisi.

MATEMATIKA TARIXIGA OID LAVHA



Buyuk bobokalonimiz al-Xorazmiy o‘zining «Hisob al-hind» asarida natural sonlarning o‘nli sanoq sistemasida yozilishi va ular ustida qo‘shish, ayirish, ko‘paytirish, bo‘lish amallarini bajarish qoidalarini batafsil bayon etgan. Bu asar XII asr boshlarida lotin tiliga tarjima qilingan va undan Yevropa universitetlarida uzoq yillar davomida asosiy darslik sifatida foydalanilgan. Shu tariqa Yevropaga o‘nli sanoq sistemasi kirib kelgan. Yevropada al-Xorazmiy nomi «Algorizmi», «Algoritmi», «Algoritmus» tarzida qo‘llanilgan. Xususan, hozirda tilimizga chuqur singib ketgan «algoritm» so‘zi ham al-Xorazmiy nomidan olingan. Algoritm atamasining ma’nosi – biror ishni bajarishning ma’lum bir ketma-ketligi yoki qoidasini anglatadi.

FIDOYILAR

Shu yurtda abadiy tinchlik bo‘lsin deb,
Jonajon shu o‘lkam nurga to‘lsin deb.
Jonini xatarga qo‘ygan insonlar,
Yurt uchun, xalq uchun kuygan insonlar!

Dunyoda urushlar bo‘lmasin zinhor,
Vatanga sodiqlik qon-qonida bor.
Or-nomisni sharaf deb bilgan insonlar,
Yurt uchun, xalq uchun kuygan insonlar!

Ular xotirasi mangu barhayot,
O‘chmas yuraklardan aslo umrbod.
Vatanni jonidan suygan insonlar,
Yurt uchun xalq uchun kuygan insonlar!



Shohsanam NORBOYEVA,
Samarqand viloyati
Nurobod shahri
1-maktab o‘quvchisi.

BOSHQOTIRMALAR

BOLALAR SONI NECHTA?

Bir nechta bolalarga daftarlarni bo‘lib berish kerak. Agar har bir bolaga 10 tadan daftar berilsa, 6 ta daftar ortib qoladi. Agar 11 tadan berilsa, 5 ta daftar yetmay qoladi. Bolalar sonini toping.




MINORALAR UZUNLIGINI HISOBLANG!

Toshkent teleminorasi dunyoda eng baland minoralardan biri hisoblanadi.

a) Toshkent minorasi Berlin va Vena minoralaridan qancha baland?

b) Toronto, Kuala-Lumpur, Toshkent va Tokio shaharlaridagi minoralarning balandligini o‘zaro taqqoslaydigan diagramma tuzing. Shkala tuzayotganda daftarning bitta katagi uzunligini 50 metr deb oling.



Sahifa materiallarini
Madina QAHHOROVA tayyorladi.

Здоровье

ОПАСНОСТЬ КИШЕЧНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Практически каждый человек хоть раз в жизни сталкивается с кишечной инфекцией. Многие путают это заболевание с пищевым отравлением, но в отличие от него инфекция провоцируется патогенными микроорганизмами, вызывающими воспалительный процесс в пищеварительном тракте, и является опасным заболеванием, которое требует детального обследования и квалифицированного лечения.



Микроорганизмы, попадая в организм через пищеварительный тракт, начинают выделять опасные токсины и активно размножаться. Они могут проникать в стенки кишечника, вызывать в них воспалительный процесс. Такие заболевания всегда сопровождаются выраженной интоксикацией и кишечной симптоматикой.

При отсутствии правильного и своевременного лечения острые кишечные инфекции могут приводить к существенному ухудшению состояния больного и представляют угрозу для его жизни. Считается, что наиболее чувствительными к этим заболеваниям являются дети, но и у взрослых они могут протекать в острой форме, приводя к обезвоживанию и сбою в работе всего организма.

Основной путь передачи кишечной инфекции – фекально-оральный. Человек может заразиться от больного человека или же недавно переболевшего. Иногда в период после заболевания люди остаются переносчиками бактерий и являются опасными для окружающих.

Вспышка кишечной инфекции может развиться у тех, кто употребил пищу, приготовленную заразным человеком.

Каждый вид кишечной инфекции имеет свои особенности в путях передачи и распространения. Возбудители могут не только переходить от человека к человеку, некоторые продукты являются для них природными резервуарами.

Дизентерия, или болезнь грязных рук, – это инфекционное заболевание. Вызывается бактериями шигеллами. Заразиться можно от больного человека, а также при употреблении зараженной воды, немытых овощей или фруктов.

Сальмонеллезом чаще всего заражаются при употреблении куриных или утиных яиц от зараженных птиц. При этом яйца ничем не отличаются от нормальных, заподозрить инфицирование без проведения лабораторных исследований невозможно. Бактерии, вызывающие сальмонеллез, находятся не на скорлупе, а внутри яиц. Почему-то среди населения бытует мнение, что если яйцо тщательно вымыть, можно обезопасить себя от сальмонеллеза. Яйца, безусловно, мыть нужно, но это не защитит вас от данной кишечной инфекции.

Ротавирус является сезонным заболеванием, и его вспышки чаще всего развиваются в осенне-зимний период.

Признаки кишечной инфекции проявляются не сразу после заражения. Как правило, между контактом и появлением первых симптомов существует инкубационный период – время, необходимое патогенным микробам для проникновения в стенки кишечника, размножение и выработку токсинов.

Не рискуйте своим здоровьем, занимаясь самолечением. Многие боятся инфекционных отделений и думают, что там они могут подхватить еще какую-то болячку. На самом деле в больнице все пациенты находятся в изолированных боксах или разделены по видам болезни. Риск подхватить еще какую-нибудь инфекцию очень маленький. А вот возможность получить осложнения при самолечении очень высока, поэтому нужно соглашаться на госпитализацию, предложенную бригадой «скорой помощи». Врач в стационаре подберет нужные препараты для лечения инфекции, проведет корректировку водно-электролитного баланса. Чтобы быстро вылечить инфекционные болезни, нужно строго соблюдать все рекомендации и придерживаться назначений.

Кишечные инфекции являются опасными заболеваниями. При появлении первых симптомов не нужно искать в интернете информацию о том, чем лечить болезнь, а следует сразу же обратиться к квалифицированным специалистам. Все препараты назначаются врачом после осмотра и обследования больного. Их действие направлено на борьбу с инфекцией, снижение интоксикации и обезвоживания, восстановление пищеварительной системы.

А напоследок – несколько советов:

– соблюдайте правила личной гигиены, всегда мойте руки перед приемом пищи, даже перед маленьким перекусом;

– мясные продукты и яйца храните только в холодильнике, отдельно от готовых блюд;

– избегайте стихийных базаров.

Будьте здоровы!

Дилшодбек КУЧКАРОВ,
начальник Медицинского отдела
УВД Андижанской области,
подполковник.

ПОЧЕМУ ВОЗНИКАЕТ ВЗДУТИЕ ЖИВОТА?

Это состояние обычно вызывается газами или другими проблемами с пищеварением. Причины условно можно разделить на: естественные и возможные заболевания.



К первой категории относят заглатывание воздуха в процессе приема пищи, в результате чего часть его выходит вместе с отрыжкой, а часть из желудка попадает в кишечник, и там скапливается. Подобное состояние может возникать у людей, которые разговаривают во время еды, торопятся, принимая ее, а также у курящих и любителей жевательной резинки, так как во время этих процессов происходит заглатывание воздуха.

Вздутие живота может быть вызвано чрезмерной деятельностью определенного рода микрофлоры кишечника, что влечет за собой разложение питательных веществ и, как следствие, выделение чрезмерного количества углекислого газа, метана, сероводорода.

Причиной может служить и употребление продуктов с большим содержанием сложных углеводов – бобы, горох, картофель, овощи, фрукты – в процессе переваривания которых происходит своеобразное брожение с выделением большого количества газов.

Что касается возможных заболеваний, то вздутие живота в данном случае следует рассматривать не как отдельное явление, а как симптом, указывающий на развитие той или иной болезни. Это могут быть дисбактериоз, синдром раздраженного кишечника, энтерит, колит, хронический панкреатит, при которых в той или иной степени нарушается процесс нормального переваривания и усвоения пищи.

Устранить неприятное состояние можно, если пересмотреть образ жизни, характер приема пищи и рацион. Например, начать питаться медленно, не спеша пережевывая еду. Использование легкоусвояемых продуктов снижает количество газов в кишечнике, а регулярные физические упражнения устраняют их скопление. Хороший эффект дает прием сорбентов (активированный уголь), если вздутие было вызвано процессами брожения в кишечнике. В любом случае необходима помощь специалиста, так как только он может правильно поставить диагноз и назначить соответствующее лечение.

Не забудьте проконсультироваться с врачом!

Тақдимот

«ОФИЦЕР 55»

СОҲАГА ОИД ЯНГИ ТАЛҚИНДАГИ СЕРИАЛ



Алишер Навоий номидаги киносаройда Ўзбекистон кинематография агентлиги ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳамкорлигида суратга олинган 10-қисмли «Офицер 55» сериали ижодкорлари иштирокида брифинг ўтказилди. Шунингдек, фильмнинг расмий трейлери тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Криминал, детектив ва триллер жанрида суратга олинган фильмнинг ҳар бир серияси 45 дақиқадан иборат бўлиб, унда ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли фаолияти, ўта оғир вазиятларда, жиноятчилар билан юзма-юз келганда, вазиятдан қандай чиқиб кета олиши, халқимиз тинчлиги ва осойишта ҳаёти учун жонини беришга тайёр эканлиги акс эттирилган. Шунингдек, осойишталик посбонларининг профессионал тайёргарлиги ҳамда пойтахт ИИББда хизмат олиб бораётган жиноят қидирув ходимининг ўзига хос тажрибаси ва тактикага эга эканлиги моҳирлик билан кўрсатилган.

Яқин кунларда экранларда намойиш этилиши режалаштирилган сериал миллий киносаноатимизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига умид қилиб қоламиз.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ёшлар – келажагимиз

ҚУВОНЧ ВА ФАХР БИЛАН



Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан жойларда 16 ёшга тўлган ўқувчиларга ID-карталар топшириш маросимлари ўтказилмоқда. Тантанали тарзда ташкил этилаётган ушбу тадбирлар катта ҳаёт остонасида турган ёш йигит-қизларда унутилмас таассурот уйғотаётгани билан эътиборлидир.



Воҳанинг қатор шаҳар ва туман ички ишлар органлари томонидан шу пайтга қадар 1355 нафар 16 ёшга тўлган ёшга Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация карталари топширилди. Жумладан, Қизириқ тумани Ички ишлар бўлимида тантанали тадбир ўтказилиб, унда 36 нафар йигит-қизга ID-карталар берилди.

– Тумандаги тенгдошларим билан бирга ID-карта олдим, – дейди Миржалол Тошматов. – Бу ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бирига айланди. Ҳужжатни расмийлаштириш исталган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бориш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза бериш орқали ҳам тезда амалга оширилаётгани биз учун жуда қулай бўлди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

* * *

Чимбой тумани ҳокимияти биносига ID-карта олиш учун келган 38 нафар йигит-қизнинг қалби фахр-ифтихор туйғуси ва ҳис-ҳаяжондан лиммо-лим бўлди. Уларга Бош қомусимиз қабул қилинган сана муносабати билан ID-карталар тантанали равишда топширилди.

– Бугун мен ва тенгдошларимга ID-карталар берилди, бундан жуда мамнунман, – дейди туманнинг «Тазғара» овул фуқаролар йиғинда яшовчи Набира Абдимуратова. – Энди мазкур ҳужжат бизга мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Шундай экан, келажакда фаол фуқаро сифатида юртимиз фаровонлиги ва ривожи йўлида хизмат қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Postda» мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.

* * *

Норин тумани ҳокимлигида ҳам 16 ёшга тўлган йигит-қизларга ID-карталар топшириш маросими тантанали тадбирга айланди.



Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шавкат Раҳмонов ID-карталарни топширар экан, келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг ўқиш ва ишларига муваффақият тилади.

– Айнан Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида бизга ID-карталарнинг топширилишида катта маъно бор, – дейди «Шўрариқ» маҳалласида яшовчи Аблаёр Абдуназаров. – Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканимиз ҳақидаги бу муҳим ҳужжатни асраб-авайлашимиз зарур.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,
«Postda» мухбири.
Наманган вилояти.

* * *

Навоий вилоятининг Кармана тумани ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари томонидан 50 нафар ёшга ID-карталар тантанали равишда топширилди. Шу юртнинг фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни қўлларига олган йигит-қизларнинг қалбидаги ҳаяжон, хурсандчилик уларнинг юз-кўзида шундоқ акс этиб турди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, жорий йилнинг ўтган даврида туман ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан 5020 нафар фуқарога идентификация карталари топширилди. Улардан 2214 нафарини 16 ёшга тўлган ёшлар ташкил этади.

Маҳлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.
Навоий вилояти.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник
Маҳмуджон ГИЁСИДДИНОВнинг
ҳамда истеъфодаги майор
Муроджон ДАДАЖОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги полковник Толибжон Зокировга волидаи муҳтарамаси
ИНОЯТХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят фахрийси
Фурқат ХОЛИҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Рекомендовано к чтению

«ОТВЕРЖЕННЫЕ» ВИКТОРА ГЮГО

Виктор Мари Гюго – французский писатель, поэт, драматург, глава и теоретик французского романтизма. Член Французской академии (1841) и Национального собрания (1848). В мае 1885 Гюго заболел и 22 мая умер у себя дома. Государственные похороны стали не только данью уважения к великому человеку, но и апофеозом прославления республиканской Франции. Останки Гюго были помещены в Пантеон, рядом с Вольтером и Жан-Жаком Руссо.



Роман «Отверженные» французского классика завоевал миллионы читательских сердец. Произведение признано литературной критикой и общественностью одним из величайших романов XIX столетия. Книга переведена на многие языки мира, входит в программу школьных курсов по литературе многих стран, неоднократно ставилась на сценах театров, не раз экранизировалась во Франции и за ее пределами.



Впервые роман был опубликован в 1862 году. Автор осветил на его страницах важнейшие для него проблемы: силу закона и любви, жестокость и человечность, лишения и страдания бедных, благоденствие богатых.

Гюго повествует о нелегком жизненном пути главного героя, бывшего каторжника Жана Вальжана, о его мировоззрении, переменах, произошедших в характере, стремлении к исправлению прошлых ошибок, добру и самопожертвованию во имя свободы и счастья других.

Жан Вальжан является одним из самых благородных и самоотверженных героев во французской литературе. Ему противопоставляется инспектор Жавер, олицетворяющий власть.

Произведение является исторической драмой, оно охватывает широкие временные рамки (включая период Франции с 1815 до 1832 года и жестоко подавленное войсками Июньское восстание в Париже). Виктор Гюго подвергает критике политику эпохи Реставрации, нищету большинства населения.

Бывший каторжник Жан Вальжан, испытывающий злобу ко всему человечеству после своего девятнадцатилетнего заключения за кражу хлеба и побега с каторги, попадает к католическому епископу Мириэлю Диньскому, полностью изменившему его жизнь. Епископ отнесся к нему как к человеку. Когда Вальжан украл у него серебряную посуду, он простил его и не выдал властям, даже подарил каторжнику серебряные подсвечники. Жан Вальжан хранил их с благоговейным трепетом. Первый и единственный человек, пожалевший его, так потряс Вальжана, что он резко изменил свою жизнь – основал фабрику по изготовлению мелких изделий из черного стекла, благодаря которой выросло благосостояние целого городка, и потом стал его мэром.

Оступившись раз, беглый каторжник, несмотря на то, что стал добропорядочным гражданином, продолжал оставаться желанной добычей французской полиции. Она искала его, и Вальжан был вынужден скрываться. Инспектор парижского отделения полиции Жавер считал его поимку и отправку на каторгу делом всей своей жизни.

После смерти Фантины, женщины, за судьбу которой Жан Вальжан был в ответе, единственным близким ему человеком стала ее дочь, Козетта.

Роман «Отверженные» погружает читателя в мир страстей, эмоций и переживаний. Человеческие чувства являются в нем отражением вечного социального противостояния, любви и преданности.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент
«На посту».

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
(с 12 по 18 декабря)

Овен. В первой половине периода возрастает риск получения травм. Если планировали поездку, лучше перенести ее на конец недели. Усиливаются ваши интеллектуальные способности. Желательно заниматься саморазвитием, расширять кругозор, восполнять пробелы в знаниях.

Телец. Не переусердствуйте с занятиями в тренажерных залах и фитнес-клубах, это неблагоприятно отразится на вашем самочувствии. Воздержитесь от поездок на личном транспорте: можете на какое-то время перестать контролировать ситуацию, что станет причиной ДТП.

Близнецы. Основные события будут вращаться вокруг семьи. Что касается профессиональной деятельности, то она может быть связана с обманом и нарушением договоренностей в партнерском бизнесе. Вторая половина недели складывается благоприятно. В воскресенье следите за словами и поступками.

Рак. Первая половина периода пройдет напряженно, не исключены ошибки, неверные решения. Важно четко распланировать каждый день и придерживаться графика, тогда неприятностей удастся избежать. Не забывайте о профилактике своего здоровья. Во второй половине недели ожидается прилив энергии и сил.

Лев. Начало периода будет неоднозначным. Не стоит докучать домочадцам вопросами об их странном, на ваш взгляд, поведении – это только усугубит ситуацию. Присмотритесь к детям, возможно, они обманывают вас в каких-то вопросах. Вторая половина недели порадует сюрпризами и подарками.

Дева. На первом месте окажутся дом, семья, близкие родственники. С понедельника по среду лучше не затевать генеральную уборку. Вторая половина недели благоприятствует покупке бытовых приборов. В воскресенье воздержитесь от приема гостей, чтобы ненароком не стать инициатором конфликта.

Весы. Это не лучшее время для выяснения отношений, а также новых знакомств и коротких поездок. Из-за повышенной рассеянности вы можете неправильно понять информацию и сделать ложные выводы. По возможности, избегайте сплетен, не высказывайте критических замечаний.

Скорпион. Будьте осмотрительнее в обращении с деньгами. Опасайтесь мошенников, не поддавайтесь на уговоры вложить средства в высокодоходные фонды. Наведите порядок в делах и финансах. В воскресенье воздержитесь от покупки подарков близким людям.

Стрелец. В эти дни вы можете оказаться в плену собственных заблуждений, избежать ошибок поможет мнение со стороны. Прежде чем предпринимать какие-либо инициативы, посоветуйтесь с родственниками или друзьями. В то же время неделя будет связана с усилением творческих способностей.

Козерог. Неделя благоприятствует спокойному и размеренному времяпровождению в кругу семьи. Это хорошее время для решения мелких бытовых домашних вопросов, совместного отдыха. В воскресенье следует воздержаться от загородных поездок.

Водолей. В первой половине недели финансовый вопрос может стать камнем преткновения в отношениях с друзьями. Не следует просить у них взаймы. Вторая половина периода складывается удачно для поездок, общения и новых знакомств. В воскресенье рекомендуется отдохнуть дома, в одиночестве.

Рыбы. В начале недели воздержитесь от принятия важных решений. Во второй половине периода внешние обстоятельства поменяются, и готовые решения сами возникнут перед вами. Период с четверга по субботу – удачное время для урегулирования любых материальных вопросов.

Ma’naviyat marshruti

TARIXDAN SO‘ZLOVCHI MAJMUA

Samarqanddagi Shohizinda majmuasi o‘ziga xos yo‘laklari va mahobatli binolari bilan barchani o‘ziga maftun etadi. U dastlab Samarqand hokimlari va ulamolari tomonidan XI asrda Muhammad (s.a.v)ning amakivachchasi Qusam ibn Abbos sharafiga qurilgan. Keyinchalik xuddi shu yerga 1066-yili Tamg‘ach Bug‘raxon madrasasi qurildi va unga tutash bir qator turkum majmua yuzaga keldi. XI–XII asrlarda serhasham bezatilgan boshqa maqbaralar ham vujudga kela boshladi. Arxeologlar ulardan bir nechtasini XIV asr inshootlarining g‘arb tomonidagi yo‘lakdan qazib topdilar. Ular bezaklari bilan Amir Temur davri maqbaralaridan farq qilgan. O‘sha davrda ham Qusam ibn Abbos maqbarasi ziyoratgoh bo‘lgan.





XIII asrda mo‘g‘ul istilochilarining Samarqandga qilgan yurishlari ko‘plab inshootlarning buzilib, xarobaga aylanishiga sabab bo‘ldi. Qabriston XIV asrda qaytadan tiklana boshlandi. Amir Temur hukmronlik qilgan davrda qurilish ishlari juda jadal sur’atda olib boriladi. Ba’zi daxmalar XI–XII asrlarga oid maqbaralarning xarobalari ustiga quriladi. XV asr boshlarida binolar Xoja Ahmad maqbarasidan Hazrati Xizr masjidiga boradigan yo‘l bo‘ylab quriladi. Amir Temur davri me’morchiligi, bezak berishning yangi texnikalari, ya’ni qirqma koshinlar bilan yanada boyitiladi.

Shohizinda me’morchilik majmuasi uch qismdan iborat qilib qurilgan. Bizgacha yetib kelgan maqbara majmuasining va dastlabki binolar qoldiqlarini ko‘zdan kechirganda, ularni badiiy pardozlash, bezash texnikasi o‘zgarib borganligini payqash mumkin.

Chortoqning o‘ng tomonidagi kichkina hovli ichida madrasa, chap tomonda esa Amir Husaynning onasi sharafiga qurilgan yozgi ayvon masjidi bor. Masjid orqasida chapda tepalik yonbag‘rida qo‘sh xonali baland moviy gumbazli maqbara (XV asr o‘rtasi) bor. Bir-biri bilan bog‘langan ikki to‘rt burchak xona, katta xona (ziyoratxona) va kichik xona (qabrxona)ga egadir. Qabrxonada bitta qabrtosh, uning ostida daxma bor. To‘rt gumbaz chortoqni yuzaga keltiradi. Gumbaz qalpog‘i va taxmonlar ko‘p pog‘onali muqarnasga ega. Devorlarga gul naqshlangan, ammo naqshlar qisman saqlanib qolgan.



Shohizinda ziyoratgohining ikkinchi qismi qirq zina bag‘ridan boshlanib, sirlar hamda jumboqlarga to‘la o‘rta asr dahliziga kirib borasiz. Bu yerda daxma emas, balki diniy fikrlar dunyosi, qabr emas, balki uning dafn etish sirlari mavjuddir. Aziz zotlar daxmasida butunlay o‘zgacha manzaraga duch kelasiz, u kishini bugungi turmush tashvishlaridan ruhan forig‘ etadi va tamoman o‘rta asr me’morchiligi, nafis bezakli ajib naqshlar olamiga olib kiradi. Maqbaralarning sirlangan koshinlaridagi ranglar tovlanadi. Bularning barchasi ziyoratchi sayyohlarni o‘ziga mahliyo qilib qo‘yadi.

Shimoliy qismdagi chortoq majmuaning asosi sari yo‘l boshlaydi. Chortoqning sharq tarafida ikki tabaqali o‘ymakor naqshli qayrag‘och eshik bor. Eshik Amir Temurning farmoyishiga binoan, usta Said Yusuf Sheroziy tomonidan 1404–1405-yillar mobaynida ishlangan. Eshikning naqshlari takrorlanmas san’at namunasi sifatida ishlanib, undagi arabiy yozuvlar ustida fil suyaklaridan qadama bezaklar qilingan.

- **Qusam ibn Abbos maqbarasi majmuadagi eng asosiy va qadimiy maqbara hisoblanadi. Maqbara xilxona va ziyoratxonadan iborat. Ularning har birini o‘ziga xos ziyorat qilish odoblari bor. Maqbarada Qusam ibn Abbosning qabri bo‘lib, u Amir Temur davri sopol koshinlari bilan naqshinkor bezakda ishlangan.**

Bir so‘z bilan aytganda, Shohizinda XIV asr boshidan XV asr o‘rtalarigacha bo‘lgan tarixdan so‘zlovchi muqaddas majmuadir.

Gulnoza TURG‘UNBOYEVA tayyorladi.

Postda На посту

MUASSIS:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas‘ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000600447980001. Bank kodi 01037. ATB «Qishloqqurilishbank» Sergeli bank xizmatlari ofisi. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-5350.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 51 436 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.